

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Аликулова Севара Сайдиллаевна

« Фермер хўжаликларини самарали бошқариш»

Мутахассислик:5A230201—«Менежмент (хизматлар соҳаси)»

Магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. Саидахмедов О.

ТОШКЕНТ - 2016

МУНДАРИЖА

| | БЕТ |
|--|-----------|
| КИРИШ..... | 3 |
| I БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... | 9 |
| 1.1 Фермер хўжаликларини бошқаришнинг назарий-услубий асослари..... | 9 |
| 1.2 Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш босқичлари..... | 17 |
| 1.3 Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва унинг худудий хусусиятлари..... | 23 |
| I боб бўйича хулоса..... | 31 |
| II БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ..... | 33 |
| 2.1 Ўзбекистон Республикасида Фермерлар Кенгаши тизими ва самарали бошқарув ҳолати..... | 33 |
| 2.2 Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги фермер хўжаликларининг улуши таҳлили..... | 44 |
| II боб бўйича хулоса..... | 52 |
| III БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ..... | 53 |
| 3.1 Фермер хўжаликларини фаолиятини самарали ташкил этишда агрокластер усулларини қўллаш..... | 53 |
| 3.2 Фермер хўжаликларини такомиллаштиришда молиялаштиришнинг устувор йўналишлари..... | 61 |
| III боб бўйича хулоса..... | 72 |
| ХУЛОСА..... | 73 |
| Фойдаланган адабиётлар руйхати..... | 77 |
| ИЛОВАЛАР..... | 82 |

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги асосий ўринни эгаллайди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат соҳасини эса хомашё билан таъминлаш аграр соҳа зиммасидаги асосий вазифа эканини инобатга олсак, қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти яққол намоён бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча жабҳалари қатори қишлоқ хўжалигида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хўжалик юритишнинг энг самарали, тараққий этган давлатлар тажрибасида ўзини оқлаган фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожидида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.”¹

Қишлоқ хўжалигинида фермер хўжаликларнинг бошқарувини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон республикаси президенти А.И. Каримов 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

технологияларни улар фаолиятига жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш йўлларини асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, халқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Буларнинг барчаси аграр соҳада бошқариш тизимини чуқур тадқиқ қилиш ва унинг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади. Мавзунинг танланиши ва унинг долзарблиги мазкур ҳолатлар билан асосланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси фермерлари бошқаруви ва иқтисодий фаолияти танланган.

Ўзбекистон Республикаси аграр соҳасини бошқариш, ундаги асосий тенденцияларни баҳолаш, иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликлари бошқарувининг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш, бошқарув механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертациянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот вазифалари:

– аграр соҳа амалиётидаги бошқаришнинг турли услубиятларига илмий асосланган баҳо берилди, соҳадаги иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар, бошқаришнинг иқтисодий механизми таснифланди;

– фермер хўжаликлари фаолиятини демократик ва иқтисодий услубиятларда бошқаришга тўсиқ бўлаётган омиллар аниқланган, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

– республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklarини ҳозирги иқтисодий-ижтимоий ҳолатини тадқиқ этган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш;

– жаҳон тажрибасининг мос жиҳатларидан республикамиз аграр соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

– республика аграр соҳасининг бошқариш тизимини фермер хўжаликлари миқёсида такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижалари қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

– аграр соҳа амалиётидаги бошқаришнинг турли услубиятларига илмий асосланган баҳо берилди, соҳадаги иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар зарурияти асосланиб, бошқаришнинг иқтисодий механизми таснифланди;

– республика аграр соҳасида фермер хўжаликлари бошқаришни такомиллаштиришга оид илмий асосланган тавсиялар берилган;

– фермер хўжаликлари фаолиятини демократик ва иқтисодий услубиятларда бошқаришга тўсиқ бўлаётган омиллар аниқланган, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

– жаҳон тажрибасининг мос жиҳатларидан республикамиз аграр соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

– республика аграр соҳасининг бошқариш тизимини фермер хўжаликлари миқёсида такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши фермер хўжалиklarини бошқариш самарадорлиги

такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишда, фермер хўжаликларини бошқаришнинг жаҳон тажрибасини ўрганишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Аграр соҳани бошқариш бўйича иқтисодий фанининг ривожланишига бир қатор таниқли хорижий иқтисодчи олимлардан И.А.Алтухов, И.Н.Буздалов, М.Баккет, В.М.Баутин, Л.Н.Девяткина, Н.А.Попов, И.Г.Ушачев² ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Ё.А.Абдуллаев, Ш.Н.Зайнутдинов, М.Ш.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов ва бошқа бир қатор олимлар илмий ишларида менежментнинг назарий ва услубий асослари атрофлича ёритилган. Шунингдек, Б.А.Акрамов, Б.Беркинов, Ф.Назарова, К.А.Насирова, Р.Х.Ташматов, В.И.Талибжанова, Ў.П.Умурзоқов, Т.Х.Фармонов, Н.С.Хушматов, Р.Ҳ.Хусановлар³ томонидан аграр соҳа муаммолари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг назарий асослари ҳамда тадбиркорлик соҳасини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, мазкур тадқиқотларда фермер хўжаликларида бошқаришни демократик ва иқтисодий услубиятда олиб боришга таъсир этувчи омилар, соҳани вертикал бўйича бошқаришдаги муаммолар ҳамда соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалаларига

² Алтухов И.А., Девяткина Л.Н. Становление фермерства в России // Аграрная наука. – М., 2000. – № 8. – С. 2-3. Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). – М.: «Знание», 2000. – С. 325. Баккет М. Фермерское производство: организация, управление, анализ. – М.: Агропромиздат, 2002. – С. 470. Баутин В.М. Понятие «инновация» как экономическая категория // Развитие инновационной деятельности в АПК: материалы международной научно-практической конференции. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2003. – С. 251-253. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: «Дело и сервис», 2005. – С. 56.

³ Абдурахмонов Қ.Ҳ., Имомов В.А. Ўзбекистонда меҳнат потенциалдан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. Монография. – Т.: Академия, 2008. – Б. 224. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б. 451. Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. – Т.: «Молия», 2002. – Б. 8. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б. 451 Ғуломов С.С. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Меҳнат», 2002. – Б. 337. Акрамов Б.А. ва бошқалар. Қишлоқда фермер хўжаликларини юзага келиши ва ривожланишининг асосий тамойилларини белгилаш: услубий қўлланма. – Т., 2007. – Б. 23. Беркинов Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликлар ва уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларни ривожлантириш истикболи. Илмий-оммабоп нашр. – Т.: ТДИУ, 2008. – Б. 43. Назарова Ф. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истикболлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2001. – Б. 31. Насирова К.А. Йирик ишлаб чиқариш корхоналари қошида кичик бизнесни ташкил этиш ва бошқариш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2011. – Б. 10. Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2010. – Б. 12.

етарлича эътибор берилмаган ва ушбу муаммо алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур ишнинг бошқа илмий ишлардан фарқи шулар билан белгиланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот жараёнида статистик гуруҳлаш ва таққослаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, иқтисодий таҳлил, функционал ёндашув, монографик кузатиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан фермер хўжалиklarини бошқариш усуллари ҳамда унга оид келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар республикада фермер хўжалиklари бошқарувини такомиллаштириш ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, жами 80 бет, 6 та жадвал ва 14 та расмдан иборат. Шунингдек, ҳар бир боб бўйича хулосалар ҳам келтириб ўтилган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, назарий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги очиқ берилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида фермер хўжалиklarини бошқаришнинг илмий-назарий асослари ўрганилган бўлиб, унда фермер хўжалиklarини бошқаришнинг назарий-услубий асослари, фермер хўжалиklarини фаолиятини ривожлантириш босқичлари, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва унинг ҳудудий хусусиятлари каби масалалари ёритилган. Ишнинг иккинчи боби амалий

тахлилларга бой бўлиб, фермер хўжалиklarини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий ҳолати таҳлил этилган. Унда Ўзбекистон Республикасида Фермерлар Кенгаши тизими ва самарали бошқарув ҳолати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги фермер хўжалиklarининг улуши таҳлили, фермер хўжалиklarини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатининг таҳлили каби масалалар ўрин олган. Ишнинг учинчи боби фермер хўжалиklари фаолиятини бошқаришни ривожлантириш истиқболлари бағишланган бўлиб, унда фермер хўжалиklари фаолиятини инновацион ривожлантиришни бошқариш, улар фаолиятини самарали ташкил этишда агрокластер усулларини қўллаш ва фермер хўжалиklarини такомиллаштиришда молиялаштиришнинг устувор йўналишлари ўрганилган.

I. БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Фермер хўжалиklarини бошқаришнинг назарий-услубий асослари

Аграр соҳа иқтисодиёти мамлакатимиз тараққиётининг иқтисодий асосининг катта қисмини ташкил этади. Соҳа корхоналарида мамлакат миллий бойлигининг тенг ярми шаклланади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотлар жадал билан суръатлар амалга оширилмоқда. Ислохотлар кўп укладли аграр иқтисодиётни шакллантириш ва шу асосда бозор муносабатларини мустаҳкамлаш, соҳада соғлом иқтисодий рақобат муҳитини яратиш орқали мавжуд ер-сув, моддий - техника базаси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишида олиб борилмоқда.

Ҳозирда бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқган ҳолатда қишлоқда кўп бўғинли иқтисодиётни вужудга келтириш учун зарур ташкилий – ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Олиб борилган ислохотлар жараёнида барча мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарининг мулк шакллари ўзгарди, қишлоқда хўжалик юритишнинг кооператив (ширкат) хўжаликлари, очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, хусусий чорвачилик фермер хўжаликлари, шахсий ёрдамчи-деҳқон хўжаликлари каби ўндан ортиқ ташкилий шакллари қарор топди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини тузиш ва ташкилий шакллариининг кўпайтиришдан кўзланган асосий мақсад – корхоналар ички имкониятларидан максимал даражада самарали фойдаланиб, аҳоли ва бозорни арзон, юқори сифатли, рақобатга чидамли товар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаш ҳамда мақсадга мувофиқ равишда фойда олишдир.

Бошқариш бўйича дастлабки йирик илмий изланишлар Фредрик Тейлорнинг «Илмий бошқарув тамойиллари» (1911 йилда) асари чоп этилишидан бошланган. Ўтган асрнинг 20-йилларидаги саноатдаги инқилоб бошқаришга бўлган қизиқишнинг янада ортишига олиб келди. Шунини таъкидлаш лозимки, бошқариш фан сифатида ривожланишда турлича йўналишларга эга ва мунтазам бир тизимга ҳам солинган эмас. Шу билан бирга, ҳозирги пайтда менежментга оид турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан, мамлакатимиз олимлари М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаевлар фикрича, «менежмент – бу, бошқарув, яъни, ресурсларни, одамларни бошқариш, самарали фаолият олиб бориш ва фойда олишни билиш, уни кўпайтириш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан бошқарув – бу, ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишдир».⁴

С.С.Ғуломов фикрича, «бошқарув – мураккаб касблардан бири бўлиб, у нафақат тўла маълумотга, балки етарли илмий тайёргарликка ҳам эга бўлишни талаб қилади».⁵

Ш.Н.Зайнутдинов ва бошқалар «Менежмент асослари» китобида, «менежмент бошқарув фаолиятининг умумий қонуниятлари ва тамойиллари, бошқарув бўғинининг аниқ вазиятлардаги ҳаракатлари ва ўзини тутиш ҳолларини умумлаштиради. Иқтисодиётни бошқаришнинг назарий ва амалий томонларини ўрганади».⁶

Г.Н.Ахунова, Н.Йўлдошев ва Э.Қўлдошевлар фикрича, «менежмент фан сифатида мураккаб ташкилотларни бошқариш, меҳнат жамоасининг муваффақиятини таъминлаш сир-асрорларини тадқиқ қилади. Фаолиятнинг тури сифатида эса корхоналар, фирмалар ва умуман, ташкилотлар доирасида меҳнат қилувчи одамларни умумий мақсадлари сари йўналтиришдир».⁷

⁴ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б. 451.

⁵ Ғуломов С.С. Менежмент. – Т.: «Шарк», 2002. – Б. 368.

⁶ Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. – Т.: «Молия», 2002. – Б. 8.

⁷ Ахунова Г.Н., Йўлдошев Н., Қўлдошев Э. Менежмент асослари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2008. – Б. 6.

Т.Бозоров, С.Нажмиддинов, А.Турсуновларнинг «Дехқон ва фермер хўжаликларида шартнома муносабатлари» қўлланмасида дехқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ тадбиркорларини шартнома ва унинг турлари, уларни тузиш тартиби ва амалга ошириш жараёнида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан яқиндан таништиришга мўлжалланган. Китобда шартнома муносабатларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг турлари, шартнома ижросини таъминлаш ва назорат қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарнинг тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузадиган асосий шартномалар намунаси, давлат эҳтиёжи учун сотиб олинadиган пахта хом ашёси ва уруғлик пахта учун контрактация шартномаси, давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича тушунчалар берилган ⁸.

ТАСИС-ТЕФАП «Фермер хўжалиги менежменти» қўлланмасида менежментнинг вазифалари, мақсадлари ва уларнинг аҳамияти ёритилган. Фермер хўжалигида содир бўлаётган муаммоларнинг турлари ва таснифлари, муаммони бартараф қилиш йўлларини топиш, кўрсаткич ва маълумотлар тўплаш, муқобил йўлларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, қарорни амалга ошириш, натижаларни текшириш ва уларга баҳо бериш, масъулиятни ҳис этиш, қарор қабул қилишда атроф-муҳитнинг роли тўғрисида аниқ тушунчалар берилган.⁹

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб аграр соҳада олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги ходимларининг тадбиркорлик фаолиятларини кучайтирди. «Ер кодекси», «Меҳнат кодекси», «Кооперация тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида» каби асосий қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши, иқтисодиётнинг аграр соҳасида ислоҳотларни ўтказиш имконини берди ва ўтган давр ичида

⁸ Бозоров Т., Нажмиддинов С., Турсунов А. Дехқон ва фермер хўжаликларида шартнома муносабатлари. – Т., «Шарқ», 2002. – Б. 40.

⁹ ТАСИС-ТЕФАП. Фермер хўжалиги менежменти. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. – Б. 30.

янги хўжалик юритиш шакллари яратилишининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари белгилаб берилди.



1.1-расм. Аграр соҳа фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари¹⁰

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва мақсади: мулкий муносабатларни такомиллаштириш, ҳақиқий мулк ва ер эгаларини шакллантириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлиги ва жавобгарлик ҳиссини ошириш ҳамда хизмат кўрсатувчи инфратузилмани шакллантиришдан иборат.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари аграр соҳанинг асосий бўғини бўлиб ҳисобланади. Бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритишиб, бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиради. Бунда мулк эгаси бўлиб фермернинг ўзи ҳисобланади ва айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиши ҳам мумкин.

Фермер хўжаликлари мустақил тузилма бўлганлиги сабабли ўз фаолиятини бозор конъюнктурасига тез мослаштира олади. Фермер хўжаликлари барча иқтисодий ва хўжалик ишларини мустақил равишда

¹⁰ Ф.Х. Назарова, О.А. Сайдахмедов. У.А. Назарова “Аграр соҳани бошқариш концепцияси: муаммо ва ечимлари”Т.:”Иқтисод-молия” 2015 й.9-б.

базаради, яъни ишлаб чиқариш жараёни технологияси ва уни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш тизимини танлаш, тайёр маҳсулотни сотиш, фойдани ишлатиш, молиявий операцияларни юритишдан иборат мураккаб жараёнларни амалга оширади.

Фермер хўжалигида мулк ва меҳнат бевосита қўшилади, бу эса юқори самарани беради. Унда пировард натижа учун масъулият ва манфаат битта фаолиятнинг икки томонини ташкил қилади. Буларнинг барчаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш масаласига катта эътибор берилди. Фермер хўжаликларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Президентимиз И.А.Каримовнинг «Республика дехқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони (1991 йил 29 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси «Дехқон хўжаликлари тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель) ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель) қонунлари билан мустаҳкамланиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2004 йил 26 августда янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига асосан: «Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект» деб юритила бошланди.

Фермер хўжалигининг бошлиғи, шу хўжаликнинг муассиси - фермердир. У 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигига тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс бўлиши лозим.

Фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, улар иқтисодий манфаатдорлик тамойиллари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик асосида товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни ривожлантириши, уни сифатини яхшилаш, меҳнат ҳамда маблағни сарфлаб, наф кўриш мақсадида ташкил этилган хўжалик юритиш шаклларида бири.

Фермер хўжаликларини ташкил этишда энг катта эътибор уларни тузиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланишининг асоси бўлган хўжалик юритишнинг қуйидаги тамойилларига қаратилган бўлиши керак:

–ташкил этилиши ва хўжалик юритишнинг барча шаклдаги корхоналар манзил-маконга эга бўлиши, корхоналар билан мустакил алоқа қилиши;

–танлов асосида ажратилган ер майдонларидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа ҳужжатларда белгиланган тартибда фойдаланиш;

–ишлаб чиқариш воситалари (уй жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, инвентар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва х.к.)га эгалик қилиш;

–ишлаб чиқариш йўналиши ва таркибини аниқлаш;

–маҳсулотни сотиш, олинадиган даромаддан фойдаланишда тўлиқ мустакиллик;

–хўжалик фаолияти учун иқтисодий жавобгарлик;

–давлатнинг молиявий-иқтисодий ғамхўрлигига таяниш;


–хўжалик аъзоларига давлатнинг ижтимоий-таъминот, қариллик ва ногиронлик нафақасидан фойдаланиш.

Фермер хўжалигининг мақсади: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиш ва хизмат кўрсатиш асосида даромад (фойда) олиш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

Фермер хўжалиги раҳбарининг фаолиятидаги биринчи қадам, авваламбор ўзининг мақсадини аниқ белгилаб олиш ҳисобланади. Фермер хўжалигини бошқариш функцияси таркибини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1.2-расм).

А) Режалаштириш: фермер хўжалиги фаолиятини бошқариш жараёнида узоқ муддатли (истикболли) режалаштириш, қисқа муддатли ва кундалик режалаштириш бир хилда зарур ҳисобланади. фермер хўжалиги

рахбари қандай маҳсулотни неча гектар майдонда ва қанча миқдорда етиштириши тўғрисида қарор қабул қилиши зарур. Иш жараёни давомида режа амалга оширилиши учун фермер (кундалик) қарорлар қабул қилишига тўғри келади. Бунда амалга ошириладиган жараёнлар, уларни бажариш усули; ишлаб чиқариш жараёнлари таркибига тузатишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Режалаштириш корхонанинг менежментини ташкил этади ва мувофиқлаштиради, фаолиятининг бошидан то охиригача дастур ишлаб чиқишни таъминлайди.¹¹



1.2-расм. Бошқарув функцияси ва қарор қабул қилиш¹²

Б) Молиялаштириш деганда режалаштиришда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш маблағлари манбалари, ҳажми ва вақтини, улардан фойдаланиш муддатлари, улар юзасидан вужудга келадиган мажбуриятларни бажариш назарда тутилади.

Сарфланаётган маблағларни ўзлаштириш жараёнида хўжаликнинг самарали фаолият тармоқлари орасида тақсимланиши лозим. Фермер хўжалигининг молиявий маблағлари аниқ белгиланган мақсадга мувофиқ равишда йўналтирилиши ва самарали ишлатилиши лозим. Бунда харажат ва

¹¹ Дусмуратов Ғ.Д., Султонов Б.Ф. "Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режа" методик қўлланма Т:"Меҳнат" – 2013 й. 37 б.

¹² Дусмуратов Ғ.Д., Султонов Б.Ф. "Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режа" методик қўлланма Т:"Меҳнат" – 2013 й. 38 б.

даромадларнинг тўлиқ кўрсаткичларини ўз ичига олган тўлиқ смета рўйхати тузилади.

В) Маркетинг фермер хўжаликларида бошқарувнинг асосий функцияларидан бири маркетинг тадқиқодларини ўтказиш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари бошқарувида маркетинг тизимини қўллаш ижобий натижаларни беради. Товар ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш, аҳолининг ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш маркетинг тизими асосини ташкил этади.

Фермер хўжалигининг маркетинг функциялари қуйидагилар:

– бозорни аниқ ўрганиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг амалдаги талабини аниқлаш, маҳсулотга харидор («бозор сегменти») танлаш, талабга жавоб берадиган маҳсулот етиштириш;

– аниқ ассортимент ва сифатдаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга, уни истеъмолчиларга зарур муддатда етказиб бериш;

– ички омиллар ва ташқи муҳит, аниқ шарт-шароитлар таъсирида қишлоқ хўжалик маҳсулоти савдо баҳосини белгиловчи баҳо сиёсати;

– тайёрланган маҳсулотнинг ташқи кўриниши, унга бўлган талабни шакллантирувчи ва рағбатлантирувчи ўлчов тизимини аниқлаш;

– ортиқча тайёр маҳсулотни сақлаш, қадоқлаш, ташиш ва бошқа хусусиятлар.

Г) Штатларни шакллантириш. Меҳнат харажатларини режалаштиришда талаб этиладиган штатлар сони, малакаси, жавобгарлик даражаси, иш кучи ҳажми, шунингдек, иш ҳақи ва меҳнат шароитлари инобатга олиниши керак.

Фермернинг бизнес режаси - бу корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар, корхонанинг мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, корхонанинг юқори даражада фойда олишини таъминлаш борасидаги ёзма дастуридир. Бизнес режа тузиш ва уни амалга оширишнинг муҳимлиги – у

ишлаб чиқарувчининг ўз имкониятларига ҳар томонлама баҳо бериши кўйилган мақсадга эришиш кафолатини аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўз олдига келтириши, айнан олдиндан тузилган бизнес режалар орқали юзага келиб, режанинг муваффақиятли амалга оширилиши корхонанинг ривожланиши ёки инқирозга юз тутишини белгилаб беради.¹³

Бизнес-режани амалга ошириш жараёнида фермер нафақат вақтни тўғри тақсимлай билиши, балки иш қандай кетаётганини кузатиши, назорат олиб бориши, ишга қабул қилган ишчи-ходимларга раҳбарлик қилиши ҳамда ишлаб чиқариш занжирининг бошқа бўғинлар билан муносабатларини таъминлаши керак. Қабул қилинган кўп сонли қарорларнинг амалга оширилиши ва жавобгарлиги фермерга юклатилади.

1.2. Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш босқичлари

“Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир.”¹⁴

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштиришни чуқурлаштириш, фермерлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

¹³ Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий жиҳатлари. Қўлланма. / Х.К.Мамарасулов, А.А.Ташматов, Н.И.Джумабаева, Х.Х.Саидакбаров, И.Б.Рустамова, Б.Досов, М.К.Йўлдошев, А.Расулов, О.Шомуратов, А.Кадырходжаев, Ш.Эрназаров, А.Содиқов. - Т.: 2013 й. 40 б.

¹⁴Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. “Халқ сўзи” газетаси, 2015йил09 январь

Фермер хўжалиklarининг ривожланишида иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши хўжалик юритиш шакллариининг эволюцияси ва уларнинг иқтисодий мустақиллиги даражаси билан изоҳланади. Мулкчилик муносабатлари ривожланиши фермер хўжалиги раҳбари ва ходимларининг моддий манфаатининг ортишига олиб келади. Фермер хўжалиklари иқтисодий ҳолатнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги ва қулай иқтисодий-ҳуқуқий муҳитнинг вужудга келганлигини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади (1.1-жадвал).

Фермер хўжалиklари барқарор ривожлантириш улар фаолиятини такомиллаштириб бориш орқали эришилади. Бунда ташқи иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштириш, технологик жараёнларни ривожлантириб бориш муҳим масалалардан ҳисобланади. Қуйида фермер хўжалиklarининг барча бозор субъектлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш, хўжалиklараро кооперацияларни ва агросервис хизмати кўрсатишни ривожлантириш, фермерлар ассоциацияси тузилмаларини ташкил этиш, жаҳон стандартларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш шулар жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигининг мавсумийлиги ва табиатга боғлиқлиги хусусиятлари фермер хўжалиklarнинг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришни талаб қилади. Бунда, кичик ҳажмли иссиқхоналар қуриш, пахта ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиklарида чорвачилик тармоғини ривожлантириш орқали қўшимча даромад олишни ривожлантириш яхши самара беради.

Фермер хўжалиklарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ресурслар сарфи ҳисобига фойда олиш нуқтаи назаридан ёндашилади.

Шундан келиб чиқган ҳолда, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантириш йўналишлари¹⁵

| Асосий йўналишлар | Амалга ошириш механизмлари |
|--|---|
| 1. Қишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқларини жорий этиш, инновацион ғоялар асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш. | <ul style="list-style-type: none"> – Аграр илм фан натижалари жорий қилувчи хизмат (марказ)лари жорий этиш; – Инновацион ғоялар учун махсус жамғармаларни ташкил этиш; – Аграр инновацион ғояларни илгари сурувчи амалиётчи олимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ва бошқалар. |
| 2. Фермер хўжалиklarнинг техник ва технологик қуролланиши, ресурслар билан таъминот даражасини ошириш. | <ul style="list-style-type: none"> – Моддий-техник ресурсларнинг эркин бозор савдоси тизимини ривожлантириш; – қишлоқ хўжалигида лизинг хизматлариниянадатакомиллаштириш; – асосий воситаларни сотиб олишда узок муддатли кредитлар ажратиш тизимини шакллантириш ва бошқалар. |
| 3. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали фермер хўжалиklarнинг барқарор ривожланишини таъминлаш | <ul style="list-style-type: none"> – Қишлоқ жойларда бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи субъектлар ривожланишини таъминлаш; – Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида йўллар, алоқа-коммуникация тизими, газ ва электр таъминотиғни яхшилаш; – Кадрлар малакасини оширишга эътибор бериш. |
| 4. Фермер хўжалигида банд бўлганларнинг даромадини ошириш ва меҳнат мотивацияси асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш. | – Махсулотларни қайта ишловчи замонавий кичик технологияларни жорий этиш ва уни рағбатлантириш. |
| 5. Фермер хўжалиklarни молия-кредит, солиқ, суғурта каби дастаклар орқали қўллаб-қувватлаш. | – Фермер хўжалиklarни барқарор ривожлантиришда аграр ишлаб чиқариш манфаатларига хизмат қилувчи банк тизимини жорий этиш ва ривожлантириш. |
| 6. Фермер хўжалиklarида ноқишлоқ фаолияти кўламини кенгайтириш орқали ходимлар даромадларини ошириш. | – Қишлоқ хўжалигининг мавсумийлига ва табиатга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ноқишлоқ хўжалиги фаолиятини кўламини кенгайтириш орқали қўшимча даромад олишни ривожлантириш (иссиқхоналар қуриш, чорвачилик тармоғини ривожлантириш). |

Бу тадбирлар истиқболда фермер хўжалиklари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, парваришлаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш

¹⁵ Ў.А.Сайдахмедов; У.А.Назарова – Республика аграр ишлаб чиқариш соҳасини бошқаришнинг иқтисодий механизми асослари – монография – Т.: ”Молия- Иқтисод”. 2014 й 39 б.

технологиясини такомиллаштиришда жорий этиладиган янги агротехнологияларга мос равишда янги қишлоқ хўжалиги техникалари тизими жорий этишни ўз ичига олиши лозим.

1.2-жадвал

Фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари¹⁶

| | |
|---|--|
| Технологик жараёнларни такомиллаштириш: | Фермер хўжалиklarининг ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланишларини интенсивлаштириш; етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш; маблағлар ва меҳнат ресурсларини тежайдиган технологияларни жорий этиш; ер ва сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш; уруғчилик ва насилчиликни ривожлантириш; техника таъминоти ва техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; харажатларни қисқартириш. |
| Ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштириш | - Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш; фермер хўжалиklarида иш ҳақини ташкил этиш ва ёлланма меҳнатни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқиш ва мутахассислар менежментини жорий этиш; моддий захиралар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишни иеъёрий механизмини ташкил этиш; маркетинг хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш; фермерларни ўқитиш ва турли йўналишлар бўйича консалтинг хизматини ривожлантириш; фермер хўжалиklarида молия-кредит механизмини такомиллаштириш. |
| Тармоқлараро ва хўжалиklarаро нисбатлар | Аграр бозорни кенг қамровли инфратузилма объектлари билан таъминлаш; жаҳон ва тармоқлараро озиқ-овқат бозорлари билан интеграциялашни кучайтириш; баҳо ва солиқ тизимини такомиллаштириш; халқаро аграр бозор ҳолати ҳақида маълумотлар билан мунтазам таъминлаб бориш; давлат томонидан аграр бозорни тартибга солишни такомиллаштириш; давлат томонидан фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлашнинг такомиллаштириш ва мунтазам равишда мониторингини олиб бориш. |

Фермер хўжалиklarини рақобатбардошлигини оширишда уларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бунда эса,

¹⁶ С.Н. Хамраева “Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш тенденцияси ва ҳозирги ҳолати таҳлили” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель 2016 йил


фермер хўжаликларини барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалигининг ўзига хос-хусусиятлари, табиий-иқтисодий шароити, ихтисослашуви, уларнинг фаолият йўналишлари ва натижалари бўйича табақалашуви ҳамда мослашуви, турли тадбиркорлик тизимларини ички ва ташқи имкониятларидан фойдаланишнинг турли даражаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан ҳам фермер хўжаликларини фаолиятини тавсифловчи гуруҳларнинг мавжуд реал шароитдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ривожланиш стратегиясини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Авваламбор, фермер хўжаликларни ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишуларни рақобатбардошлигини ошириш, провордида эса барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришда уларнинг рақобатбардошлиги ривожини таъминловчи маркетингстратегиясидан кенг фойдаланиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Маркетинг стратегияси фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини оширишда ер ва сув ресурслари, фермер хўжалиги инфратузилмасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бошқарувни самарали мувофиқлаштириш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва сифатини юқорилигини таъминлаш имконини беради. Фермер хўжаликлари ривожланишининг маркетинг стратегиясини шакллантириш учун мақсадлар, имкониятлар ва ресурсларнинг барқарор мувозанатига эришиш ва уни сақлаб туриш ҳамда янги бозор истиқболларига қаратилган бошқарув жараёнини вужудга келтириш бўйича кенг қамровли чора -тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини ривожлантиришда, маркетинг стратегияси-ҳаракатлар дастури (концепция) => мақсад ва вазифалар (дастурнинг асосий йўналишлари бўйича) => ривожланишни индикатив режалари (муаммолар ва номутоносибликларни атрофлича таҳлил

етиш асосида) => фермерликни ривожлантириш бўйича бозор стратегияси йўналишларида амалга оширилади (1.3-расм).



1.3-расм. Фермерхўжаликларини рақобатбардошлигини ривожлантиришда маркетинг стратегияси¹⁷

Хулоса қилиб айтганда, маркетинг стратегияси фермер хўжалигининг рақобатбардошлигини таъминлаш вауларнинг барқарор ривожлантиришдаги муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб, у маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш, сотиш тизимини такомиллаштириш ва инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, моддий-техника ресурслари ички ва ташқи бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича ахборот-маркетинг тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фермер хўжаликларининг ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосини ташкил этади. Ушбу жараён эса, маркетинг тизими асосида талаб, таклиф, нарх ва рақобат ўзаро муносаблигини таъминлаган ҳолда бевосита, мақсадли бозорлар билан муносабатда бўлиши ва бунда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаши лозим.

Ҳозиргида фермер хўжаликлари барқарор ривожланишида интенсив маркетинг стратегиясини тадбиқ этиш нарх сиёсати ҳисобига самарали натижаларни таъминлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Бунда, сотиш бозорларини танлаш; кредит-молия тузилмалари кооперацияси ва вертикал интеграцияси афзалликларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш => тайёрлаш => қайта ишлаш => сотиш тизимида интеграциялашув билан уйғунлашган фаолиятни ёки

¹⁷ Дусмуратов Ғ.Д., Султонов Б.Ф. "Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режа" методик қўлланма Т:"Меҳнат" – 2013 й. 48 б.

агрокластерлар ташкил қилиш, логистиканинг ривожланиши, ахборотларни етказиш ва ахборот ҳамда юклар оқимларини тартибга солиш, сотишни ташкил этишнинг замонавий воситаларини шакллантириш лозим.

Фермер хўжаликларида маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг энг муҳим йўналиши бу унинг оптимал ташкилий тузилмасини барпо қилинишидир. Амалиётда бу маркетинг бўлимлари, хизматлари ёки марказларини ташкил қилиш шаклида амалга оширилиши, уларнинг тузилмаси, фаолият йўналишлари, улар ҳал этаётган вазифалар мураккаблиги, маҳсулот турлари ва ҳоказоларга қараб доимий равишда такомиллаштирилиб борилиши мумкин.

1.3. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва унинг ҳудудий хусусиятлари

Бугунги кунда аграр тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқда асосий иш берувчи ҳисобланувчи ва қишлоқ хўжалиги тадбиркори дея ном олган – фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бир қаторда, фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва хўжалиқда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш асосида бозор тамойилларига мос хўжалиқ юритиш тизимини шакллантириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда, фермер хўжаликлари негизида кўп тармоқли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи устида амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигида асосий хўжалиқ юритиш шакли сифатида фермер хўжаликлари олдига қўйилган асосий мақсад барча тадбиркорлар қатори – табиат омиллари ва моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, молиявий барқарорликка эришиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсадга эришиш фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали ҳал этилиши қийин бўлган масала ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ўзининг

катор хусусиятларига боғлиқ ҳолда одатда фермер хўжаликларига нисбатан кам даромад келтирувчи жараёнدير.

Юқоридаги ҳолатларда кўзланган фойдалилик даражасига эришиш учун фермер хўжаликлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва самарали сотиш масалаларини ечимини талаб этади. Бундай фаолият билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликлари деб аталмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4478-сонли Фармони қабул қилиниши эса кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши билан биргаликда уларни қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига сервис хизмати кўрсатиши билан кўзга кўринмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёки асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилиши мумкин.¹⁸

Қўшимча тармоқни асосий тармоқ (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳалари) билан боғлиқ бўлмаган: суратхоналар ташкил қилиш, чўмилиш ҳавзалари, дам олиш уйлари фаолиятини йўлга қўйиш, умумовқатланиш шохобчалари, автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш каби соҳаларда ташкил этиш мумкин.

Умуман, кўп тармоқли фермер хўжалигининг асосий хусусияти бу – ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини (соф фойда) ошириш мақсадида

¹⁸ Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. – Тошкент, 2014. 37 б.

ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир.

“Кўп тармоқли фермер хўжалиги” – фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йўналишидан бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этиб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган фермер хўжаликлари ҳисобланади.¹⁹

Кўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларнинг ўзида ортиқча нобудгарчиликларга йўл қўймасдан қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга чиқариб ҳамда қишлоқларда қўшимча иш жойлари яратиб, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ҳаёт фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшади. Бу кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш асосида жамият кўрадиган наф ҳисобланади.²⁰

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ фаолияти ҳисобига етиштирилган маҳсулотлар фермер хўжаликларининг ички истеъмолга йўналтирилиши ва шунингдек бозорга чиқарилиши ҳам мумкин. Лекин, иқтисодий жиҳатдан қўшимча тармоқ юқори товарлиқ даражасига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлантиришда қўйилган мақсад ва вазифаларга ҳам мос келади.

Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган тадбирлардан бири, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилишга қаратилгандир. Бундан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқаришни кенгайтириш, агросаноат мажмуини янада такомиллаштириш, аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш билан бирга

¹⁹ Х.К. Мамарасулов, А.А.Ташматов, Н.И.Джумабаева, Х.Х.Саидакбаров, И.Б.Рустамова, Б.Досов, М.К.Йўлдошев, А.Расулов, О.Шомуратов, А.Кадырходжаев, Ш.Эрназаров, А.Содиков “Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий жиҳатлари”. Қўлланма. / . - Т.: 2013 й. 26 б.

²⁰ Х.К. Мамарасулов, А.А.Ташматов, Н.И.Джумабаева, Х.Х.Саидакбаров, И.Б.Рустамова, Б.Досов, М.К.Йўлдошев, А.Расулов, О.Шомуратов, А.Кадырходжаев, Ш.Эрназаров, А.Содиков “Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий жиҳатлари”. Қўлланма. / . - Т.: 2013 й. 27 б.

инвеститсия миқдорини ошириш ҳисобланади (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фаолиятни ташкил этган фермер хўжаликлари сони (2015 йил 1 декабр ҳолатига) ²¹


| № | Худудлар номи | Жами фермер хўжаликлари сони 2015 йил 1 декабр ҳолатига (оптимизация натижасида) | Шундан кўп тармоқли фаолиятни ташкил этган фермер хўжаликлари сони | Жамига фермер хўжаликлари нисбатан улуши, % |
|----|------------------------------|--|--|---|
| 1 | Қорақолпоғистон Республикаси | 4582 | 1586 | 34,6 |
| 2 | Андижон | 8538 | 3189 | 37,4 |
| 3 | Бухоро | 5275 | 1957 | 37,1 |
| 4 | Жиззах | 10098 | 3065 | 30,4 |
| 5 | Қашқадарё | 12373 | 4510 | 36,5 |
| 6 | Навоий | 2519 | 1089 | 43,2 |
| 7 | Наманган | 7443 | 2411 | 32,4 |
| 8 | Самарқанд | 12641 | 5124 | 40,5 |
| 9 | Сурхандарё | 6108 | 2179 | 35,7 |
| 10 | Сирдарё | 5459 | 1955 | 35,8 |
| 11 | Тошкент | 9481 | 3583 | 37,8 |
| 12 | Фарғона | 10420 | 3376 | 32,4 |
| 13 | Хоразм | 5945 | 2147 | 36,1 |
| | Жами | 100882 | 36171 | 35,9 |

1.3-жадвалда 2015-йилнинг 1-декабр ҳолатига республикада фаолият юритаган жами фермерлар сони, шундан, кўп тармоқли фермерлар миқдори ҳамда %лардаги улуши келтирилган. Унга кўра, 2015-йилда 100882 та фермерлар мавжуд бўлиб, шундан 36171 тасини, яъни 35,9 %ини кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этган. Кўп тармоқли фермер хўжаликларининг умумий сониди, Самарқанд вилоятида бошқа вилоятларга нисбатан бирмунча юқори (5124 нафар) бўлган. Ушбу вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг улуши 40.5 %ни ташкил этган. Кейинг ўринларда Қашқадарё вилояти 4510 нафар, Тошкент вилояти 3583 нафар бўлиб,

²¹ Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

уларнинг вилоятдаги жами фермерлар сонига нисбатан улуши мос равишда 36,5% ҳамда 37,8% ни ташкил этган. Жиззах вилоятида эса, 10098 нафар фермер бўлиб, уларнинг 30,4 % қисми кўп тармоқли фермерлар бўлган. Сурхандарё вилоятида 6108 фермердан 2179 таси кўп тармоқли фермер хўжалиги бўлган. Энг кам ташкил этилган кўп тармоқли фермер хўжалик Навоий вилоятида бўлиб, вилоятда жами фермерларга нисбатан 43,2% улушни эгаллаб турибди.

Мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантиришга сарфланган маблағлар 2013-йилда 655487 млн сўм, 2014-йилда 559872,8 млн сўм ва 2015-йилда 842455.9 млн сўм бўлган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантиришга сарфланган маблағлар динамикаси 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 95614,2 млн сўм камроқ молиялаштирилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 186968,9 млн сўм кўпроқ маблағни ташкил этган.




1.4-расм. 2013-йилда кўп тармоқли фермер хўжалиklarига ажратилган жами маблағлар.(млн сўм)²²

Демак, 2013-йилда сарфланган жами маблағларнинг энга кўпи яъни, 15% Андижон вилоятига тўғри келган бўлса, 13% Жиззах вилоятига тўғри

²² Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

келган. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича сарфланган маблағларнинг нисбатан кам фоизи (3%) Фарғона вилоятига тегишлидир (1.4-расм).

2014-йилда эса, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича жами маблағларнинг 1/5 қисми Самарқанд, 16% Тошкент, 11% улуши Андижон ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келган. 2014-йилда 2013-йилга нисбатан Фарғона вилоятига 2 баробар кўп маблағ ажратилиб, Жиззах вилоятига ажратилган маблағлар қариб 9%га қисқарган. Бошқа вилоятларга ажратилган пул маблағлари улуши 5-7% атрофида тебранади (1.5-расм).



1.5-расм. 2014-йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларига ажратилган жами маблағлар²³.


Ўтган 2015-йилда эса кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича сарфланган жами маблағларнинг Тошкент вилоятига ажратилган салмоғи нисбатон юқори бўлган. Бухоро ва Андижон вилоятига ажратилган маблағлар миқдори кўпайиб, 9 ва 11%ларни ташкил

²³ Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

этган. Қорақалпоғистонга ажратилган маблағлар нисбатан кам миқдорни ташкил этган (1.6-расм).

Мамлатимизда 2015 йилда кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлантириш учун сарфланган маблағларнинг ўз маблағлари 594558 млн сўмни ҳамда кредит маблағлар 244175 млн сўмни ташкил этган. 2015-йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича жами сарфланиши кутилаётган режадаги маблағ 936 901 млн сўмни ташкил этган бўлса, ҳақиқатда 838 732 млн сўм молиялаштирилган (1.4 жадвал).

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ фаолиятини йўлга қўйиш ялпи даромаднинг 50 %дан ортиқ кўпайишини таъминлаши билан бирга маҳсулотлари исрофгарчилигини камайтириб шу ернинг ўзида уни қайта ишлашни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратиш имкониятини бермоқда.



1.6-расм. 2015-йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларига ажратилган жами маблағлар²⁴.

²⁴ Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

Аммо, шу билан бирга қатор муаммолар ҳам борки уларни бартараф этиш талаб қилинади.²⁵

- Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишга асосий эътибор қаратилиши боисдан қўшимча тармоққа эътибор пасайиши кузатилади

- Кўпчилик ҳолатларда қишлоқ ҳудудларида истеъмолчиларга газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар содир бўлиши туфайли фермер хўжаликлари томонидан тижорат банкларидан олинган кредит хисобига ишга туширилган замонавий технологияларга асосланган қайта ишлаш корхоналари ишига салбий таъсир қилмоқда. Масалан, электр таъминотидаги узилишлар қайта ишлаш учун тайёрлаб қўйилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (гўшт, сут, мева-сабзавот ва бошқа) сифати бузилишига олиб келади, аниқки бундан тадбиркор зарар кўради.

- Қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринлари очиш имконини берадиган кичик саноат корхоналарини қуриш ёки маҳсулотни қайта ишлаш технологияларини сотиб олишда узоқ муддатли (8-10 йил муддатли) имтиёзли (3-7 % ставкали) кредитлар талаб этилади.

- Ҳозирда фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот сотишдан тушган маблағларни банкларга топширилгандан сўнг нақд пул ҳолида қайтариб олиш анча қийин. Бу ҳолат банклардан ташқари пул айланишини рағбатлантириши билан бирга қўшимча тармоқни ривожлантиришга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

- Ноқишлоқ хўжалик фаолияти ривожига салбий таъсир қиладиган омиллардан яна бири фермерлар билими ва тажрибаси етишмаслиги ҳисобланиб, бу борада тегишли ўқув курслари орқали малака ошириш тизимини мунтазам йўлга қўйиш талаб этилади.

²⁵ Х.К.Мамарасулов, А.А.Ташматов, Н.И.Джумабаева, Х.Х.Саидакбаров, И.Б.Рустамова, Б.Досов, М.К.Йўлдошев, А.Расулов, О.Шомуратов, А.Кадырходжаев, Ш.Эрназаров, А.Содиков “Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий жиҳатлари”. Қўлланма. / . - Т.: 2013 й. 35 б.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда фермер хўжаликлари раҳбарларининг юқори малакали мутахассислар бўлишларига эътибор бериш керак. Бу билан фермер хўжаликларини оқилона бошқариш ва ишлаб чиқариш ресурсларини самарадорлиги, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга имконият яратилади.

Ривожланган мамлакатларда фермерлар бир неча мутахассисликларга эга: агрономия, зоотехника, ветеринария, инженерия, иқтисод, механизаторлик ва ҳ.к.

Ҳар бир фермер бизнес-режа тузиш ва тақвимлашда ўз ресурслари ҳолатини инобатга олиши зарур. У ушбу режанинг ҳар бир бандига зарур ва жалб қилиш мумкин бўлган маблағ ҳажмини аниқлаши ва шундан сўнг бизнес-режа бошқарув орқали амалиётга жорий қилиниши мумкин.

Рақобатбардошликни ошириш учун, авваламбор, ишлаб чиқариш жараёнларида инновациялардан фойдаланган ҳолда тежамли харажатлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш, фермер хўжаликлари негизида қишлоқ хўжалик хомашёси ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг вертикал интеграцияси кичик ишлаб чиқарувчини ўз хўжалиги ташкилий режасини маркетинг сиёсатига мос равишда ўзгартириш, ердан фойдаланиш ва техникавий жиҳозланиш даражасини доимий яхшилаш, маҳсулотни жаҳон бозори талабларига мувофиқ стандартлаштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, консервалашнинг мукамал услубларига ўтиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Маркетинг стратегияси фермер хўжалигининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва уларнинг барқарор ривожлантиришдаги муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб, у маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш, сотиш тизимини такомиллаштириш ва инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, моддий-техника ресурслари ички ва ташқи бозорлари

конъюнктурасини ўрганиш бўйича ахборот-маркетинг тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи қуйидаги мақбул йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишида; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш йўналишларида;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларига агротехник, иқтисодий, техникавий, зооветеринария ва бошқа соҳаларда хизматлар кўрсатиш йўналишларида;

- енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишларида;

- аҳолига савдо, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилиши мумкин.

II. БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

2.1 Ўзбекистон Республикасида Фермерлар Кенгаши тизими ва самарали бошқарув ҳолати.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилиб, бу йўналишдаги ислохот иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини, деб белгиланди.

Мамлакатимизда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, шу жумладан фермерликни ривожлантириш имконини яратди. Натижада бу тизим қишлоқдаги туб ислохотларнинг самарали амалга оширилишида, хусусан, қишлоқ ҳаётини ўзгартиришда асосий ўрин тутмоқда.

Қонунчилик базаси ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўлиқроқ таъминлаш, қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш бугунги кундаги устувор ва долзарб вазифалар сирасига киради. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни, қишлоқда янги мулкӣ муносабатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ўрта синф - мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар фермерлар манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил чуқурлаштириб бориш, унинг моддий ва молиявий базасини янада мустаҳкамлаш орқали давом эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

фармон билан фермерлик ҳаракатида фермерликни қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги босқич бошлаб берди. Фармонида белгиланган вазифаларнинг ўзиёқ республикаимиз фермерлари ва янгидан ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг зиммасига улкан масъулият ва қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Фармонга асосан Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 13 та ҳудудий ҳамда 156 та қишлоқ хўжалиги туманларида туман Фермерлар кенгаши ташкил этилиб, ташкил этилган Фермерлар кенгашлари бошқаруви таркибига жамоатчилик асосида 1736 та илғор тажрибали фермер хўжалик раҳбарлари киритилди.

Фармонда Фермерлик ҳаракати олдида турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатида қаралаётган фермер хўжаликларининг роли ва аҳамиятини ошириш вазифаларининг фермерлик ҳаракати томонидан рўёбга чиқарилиши каби бир қатор вазифаларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, ушбу фармон билан фермер хўжаликларига бир қатор имтиёзлар тизимини жорий этиш бўйича қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатларига қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Энг асосийси мазкур фармон билан фермер хўжаликлари олдида турган муаммоларни ҳал қилиш, уларга дунё тажрибаларини ўрганишда кўмакдош бўлувчи, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, ҳудудий ҳамда туман кенгашларини тузиш ҳақидаги фермерлар таклифи қўллаб қувватланди, Зеро, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ташкил этилиши фермерларнинг ўзини ўзи бошқаришида таъсирчан механизмларни яратиш ва амалиётга жорий этишда аҳамияти беқиёсдир.

Худудий ва туман кенгашлари мустақил нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг аъзолари бўлмиш 23 нафар киши фақатгина фермер хўжаликлари раҳбарлари таркибидан ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан сайланади. Шу пайтгача амалда бўлган фермер хўжаликлари уюшмасининг марказий кенгашида эса 29 нафар аъзонинг 10 нафари турли давлат идораларининг вакилларидан тайинланган бўлиб, мазкур ҳолат уюшманинг ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот сифатидаги фаолиятига салбий таъсир ўтказмай қолмас эди.

Фермерлар кенгашларининг котибиятлари иқтисодчи, ҳуқуқшунос, ҳисобчи ва бошқа мутахассислардан иборат ходимлар таркибига эга бўлиб, бу, оддий қилиб айтганда, жойлардаги фермерларнинг оғирини енгиллаштиришга хизмат қилади. Бу фермерларга катта имконият.

Фермерлар кенгашига фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, судларга даъво аризаларини тақдим этиш, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан давлат божи тўламасдан судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилганлиги фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш механизмларини мустаҳкамлайди. Бундай имкониятнинг берилганлиги фермерлар кенгашлари томонидан суд органлари орқали фермерлар ҳақ-ҳуқуқларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда қулайлик яратади.

Фармонга асосан Фермерлар кенгашлари раисларининг туман ҳокимликлари ҳузуридаги ер бериш комиссияларига аъзо қилиб киритилиши айнан шу мақсад сари қўйилган муҳим қадамдир. Чунки, Фермерлар кенгашлари раислари ер ажратиш бўйича танловда иштирок этар экан, унинг сафига кираётган фермернинг қанчалик ишбилармон, билимли ва салоҳиятли бўлишини ҳаммадан кўпроқ билади.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши 2012-йил 30-декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва фаолиятини бошлаган. Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши Республика фермерлари томонидан ихтиёрий равишда ташкил этилган жамоат бирлашмаси

ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотидир. Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, мазкур Уставга амал қилади. Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши коллегиялик, демократизм, ошкоралик, қонунийлик, очиқлик, аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги, раҳбар органларнинг сайланиши ва уларнинг ўз аъзолари олдида ҳисобдорлиги тамойиллари асосида фаолият юритади. Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши Ўзбекистоннинг барча ҳудудида фаолият юритади. Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши юридик шахс бўлиб, ўзига тегишли бўлган мулкка эгаллик қилади. Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши ўз номидан мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширади, судларда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши ўзига тегишли бўлган мол-мулк билан мажбуриятлари бўйича жавоб беради ва унинг мол-мулки қонунга мувофиқ ундирувга қаратилиши мумкин.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган муҳри, штамп, расмий баланси, рамзи ва визуал идентификатсиялашнинг бошқа воситаларига эга. Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши ижроия органи Тошкент шаҳри, Равнақ кўчаси, 1- А уй манзили бўйича жойлашган.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгашининг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- фермерлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, фермер хўжалигининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг мулкӣ муносабатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жумладан давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат органлари,

тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналари билан муносабатларда, шунингдек, судда ишларни кўрсатиш вақтида ҳимоя қилиш;

- фермер хўжаликларини тузиш ва қайта ташкил этишда очиклик, ошкоралик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш, уларга ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш;

- кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ривожланишига кўмаклашиш;

- ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

- Республикада фермерларни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ўрганади ва фермерликни ривожлантириш соҳасида қонун ҳужжатларни такомиллаштиришни, фермер хўжалигининг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- фермер хўжалигининг иқтисодий аҳволи ва моддий-техник таъминланганлигини таҳлил қилади ва унинг натижасига кўра тегишли таклиф ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши аъзо фермерларнинг ҳуқуқлари тузилганлиги юзасидан ва уларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб давлат органларига таклиф киритиш;

- бозорда талаб ва таклифни органиб чиқиб ўзининг аъзоларига керакли бўлган маҳсулотларнинг бозор нархлари бўйича амалий кўмак бериш ва ушбу маълуматларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;

- ўз аъзоларига кредит олиш, ўзлаштиришда консултатив ва методик ёрдам бериш, кредит ресурслари имкониятини кенгайтириш;

- Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа мажбуриятларга эга.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- қишлоқ хўжалиги муносабатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ фермер хўжаликлари фаолиятини белгилаб беувчи қонунлар, дастурлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этади.

- фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳолимиоти органлари ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумот олиш, ушбу маълумотларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиб, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган таклифлар киритиш;

- Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши аъзоси бўлган фермерларнинг давлат органлари томонидан ўтказиладиган текширув ва кузатишларда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қатнашиш ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилади шу жумладан, бино, иншоот, транспорт, асбоб-ускуналар, пул маблағлари, шунингдек, чет эл валютаси ва бошқа мол-мулкка эгалик қилади.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши молиявий ва мол-мулк олиш манбаларига қуйидагилар киради:

- аъзолик бадаллари.
- хайрия маблағлари ва грантлар.
- тадбирлик фаолиятдан олинадиган, уставда кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган даромад.
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Барча келиб тушган пул маблағлари Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши ҳамда ҳудудий ва туманлардаги фермер кенгашлари томонидан қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши томонидан белгиланган тартибда, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш дастурини молиялаштириш, Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши ҳамда ҳудудий ва туман фермерлар кенгашларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўз аъзолари олдидаги шартномавий мажбуриятларни ва белгиланган

вазифаларни бажаришга, шунингдек ушбу Уставда белгилаб қўйилган мажбуриятларни бажаришда қўлланилади.

Аъзолик бадаллари туман фермерлари Кенгашининг кун якуни бўйича қолдиқсиз транзит ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Туман фермерлари Кенгашининг мазкур ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар ҳудудий фермерлар кенгашининг кун якуни бўйича қолдиқсиз ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Барча келиб тушган пул маблағлари қонун ҳужжатлари ва Кенгаш томонидан ўрнатилган тартибда фермер хўжаликларни қўллаб-қувватлашга доир дастурларни молиялаштириш, ўз аъзолари олдидаги шартномавий мажбуриятларни ва белгиланган вазифаларни бажариш, Ўзбекистон Фермерлари Кенгашининг Ижроия органини ҳамда ҳудудий ва туманлардаги фермерлари кенгаши котибиятини молиялаштириш, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ушбу уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш мақсадида фойдаланилади.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгашига юклатилган мақсад ва вазифаларни бажарилишни таъминлаш ҳамда кутилмаган ҳаражатларни қоплаш учун, шунингдек, шартномавий бошқа мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши қошида фонд ташкил қилиши мумкин, унинг пул маблағларидан фойдаланиш ва тасарруф этиш тартиби Кенгаш қарорига асосан амалга оширилади.

Бошқарув кадрларига бошқарув функцияларини амалга оширувчи ёки уларни амалга ошишига кўмаклашувчи ишловчилар, яъни бошқарув жараёнида иштирок этувчи ва бошқарув аппаратидаги кирувчи ходимлар киради. Қуйида келтирилган расм орқали биз ”Ўзбекистон Фермерлари Кенгашининг” ташкилий тузилишини кўришимиз мумкин (2.1-расм).

Ташкилот бошқарув ходимлари ҳамда бўлимлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Фермерлари Кенгашининг раиси— Ташкилотнинг раиси ҳисобланиб, фермерлар томонидан сайланади. Ташкилот раиси

фермерлар ишончномасига асосан, ташкилот номидан иш юритади. У ташкилот тузилиши, стратегияси ва унинг ривожлани истиқболларини белгилаб беради.

Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси - ташкилотнинг мансабдор шахси ҳисобланиб, ташкилот оператсияларини амалга оширишга рухсат беради ва ташкилот ишини ташкил қилади;

– ўзига бириктирилган гуруҳ ва объектлар бўйича ахборот, маълумотлар ва иш режаларини, барча ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботларни тайёрлаш бўйича назоратни олиб боради, гуруҳларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди;

– ўзига бириктирилган гуруҳ ва секторларда фаолият юритаётган ходимларнинг иқтисодий ва маънавий билимларини ошириш, иқтисодий ва техник ўқув машғулотларини мунтазам равишда олиб борилишини назорат қилиш, ўқув машғулотлари режаларини тасдиқлайди;

Бош бухгалтер - ташкилотнинг ҳисоб-оператсион ишларига раҳбарлик қилади. Ташкилот молиявий-хўжалик оператсиялари ҳисобини юритишни таъминлайди. Бундан ташқари куйидаги ишларнинг бажарилишни назорат қилади:

- бухгалтерия ҳисоби қонунчилигини;
- фуқаролик ҳуқуқи, банк, молия, солиқ ва хўжалик қонунчилигининг бухгалтерия ҳисобини юритишга тегишли қисмини;
- солиқ, статистика, бошқарув ва молиявий ҳисоботларни;
- оператсияларни расмийлаштириш ва ҳисоб участкалари ҳужжатлар айланишини ташкиллаштириш тартиби, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари, шунингдек бошқа товар-моддий захираларни қабул қилиш, кириш қилиш, сақлаш ва сарфлаш тартибини;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий захираларни кириш қилиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини, шунингдек, дебитор ва кредитор қарздорликни ҳисобдан чиқариш, асосий воситалар, номоддий активларга эскириш ҳисоблаш кабилар.



2.1-расм. “Ўзбекистон Фермерлари Кенгашининг” бошқарув ташкилий структураси.²⁶

Ходимлар бўлими - Ходимлар билан иш олиб бориш хизмати бош мутахассиси йиллик иш режани белгилайди, ходимлар билан иш олиб бориш хизмати бош мутахассиси ҳар йили меҳнат таътили жадвалини тайёрлайди ва тасдиқдан ўтказди ҳамда ушбу жадвалга мувофиқ меҳнат таътилларида фойдаланиш бўйича назорат ишларини олиб боради. Раҳбарият билан биргаликда ходимларни юқори лавозимларга кўтариш бўйича заҳирани шакллантиради ва ушбу заҳира таркибига киритилган ходимлар билан муайян ишларни амалга оширади. Ходимларни танлаш, уларни жой-жойига қўйишда филиал бошқарувчисига ўз таклифларини бериш, ходимларга

²⁶ Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

уларнинг қобилиятига қараб ҳолис баҳо беради. Ходимларга нисбатан меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган жазо чораларини қўллаш бўйича таклиф бериш билан шуғулланади.

Юридик бўлим - ташкилот ҳамкорлар билан шартномалар тузиш, ташкилот оператсияларини амалга оширишда иштирок этиб, ташкилотнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси ҳисобланади. Ўзбекистон фермерлари кенгашида тайёрланадиган буйруқлар, фармойишлар, келишувлар ва ҳуқуқий характерга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг амалдаги қонунчиликка мос келишини дастлабки текширувдан ўтказишади. Кенгаш фаолиятида вужудга келадиган бошқа ҳуқуқий масалалар бошқа ҳуқуқий масалалар бўйича ҳулоса тайёрлайди. Кенгаш ходимларига хўжалик шартномаларини тузиш бўйича ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатади.

Касса оператсиялари бўлими - пул маблағлари ва бошқа бойликларни сақлаш, кирим ва чиқим қилиш ҳисобини юритиш вазифаларини бажаради.

Хавфсизлик бўлими - кенгашнинг хавфсизлиги ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажаради.

Келтирилган маълумотни таҳлил қиладиган бўлсак, ташкилотда асосий фаолият билан белгиланган 11 киши шуғулланади. Булар яъни, бошқарув раиси, ижро этувчи аппарат бошқарувчиси, 5 та бош мутахассис ҳамда мутахассислардир. Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг Раиси ва ижро этувчи аппарат ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш штат жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳар қандай корхонани ривожланишида уларнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун биринчи навбатда, ҳар бир ташкилотда ҳисоб-китоб тизимини тўғри йўлга қўйиш лозим. Уларда ҳисоб-китоб ишларини талаб даражасида олиб бориш учун эса ташкилотда малакали бухгалтерлар бўлиши керак.

Ўзбекистон Фермерлари Кенгашининг молиявий бошқарувининг самарадорлиги ўз навбатида юқори натижаларга кўтарилмоқда.

**Ўзбекистон Фермерлари Кенгашнинг молиявий ҳолати бўйича
кўрсаткичлари таҳлили (млн.сўмда)²⁷**

| № | Кўрсаткичлар | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2015-йилнинг 2013-йилга нисбатан фарқи | 2015-йилнинг 2013-йилга нисбатан фарқи (%да) |
|----|--|----------|----------|----------|--|--|
| 1 | Кенгашнинг жами активлари | 28900 | 31200 | 39800 | 10900 | 172,6 |
| 2 | Даромад келтирувчи активлар | 10050 | 20315 | 30725 | 20675 | 305,7 |
| 3 | Даромад келтирувчи активлар улуши (%да) | 60,9 | 65,1 | 77,2 | | |
| 4 | Активларни даромадлилик даражаси (3/1) (%да) | 4,2 | 4,7 | 4,9 | 0,194885 | 104 |
| 5 | Даромадлар | 1560 | 1750 | 2280 | 720 | 46,4 |
| 6 | Харажатлар | 1320 | 1460 | 1940 | 480 | 33 |
| 7 | Фойда | 240 | 290 | 340 | 50 | 117 |
| 8 | Рентабеллик даражаси (%) | 15,4 | 16,6 | 14,9 | -0,5 | 95 |
| 9 | Даромад келтирмайдиган активлар | 11170 | 9350 | 6555 | -2795 | 70 |
| 10 | Кенгаш ресурс базаси, жами | 26849,5 | 27637,5 | 34977,0 | 8127,5 | 130,2 |

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2015 йилга Кенгашнинг жами активлари 10 млрд 900 млн сўмга, яъни 172,6 фоизга, шу жумладан, даромад келтирувчи активлар 20,675 млрд сўм яъни 305,7 фоизга, даромадлар 7 млрд 20 млн сўмга, кенгашнинг ресурс базаси эса 8127,5,5 млрд сўмга, ошганини кўришимиз мумкин. Даромад келтирмайдиган активлари 2013-йилда 11170 млн сўм бўлган бўлса, 2014-йилда 9350 млн, 2015-йилда эса, 6555 млн сўмни ташкил этган. 2013-йилга нисбатан 2015-йилда даромад

²⁷ Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

келтирмайдиган активлари 30 фоизга қисқарган. Бунинг сабаби бўлиб, ишлатилмаётган активларни ижара шартномаси асосида ижарага бериш ҳисобланади. Бу эса кенгаш фаолиятининг самарали олиб борилаётганлиги ва мижозларга бўлган хизмат яхшилигидан далолат беради.

2.2. Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги фермер хўжаликларининг улуши таҳлили

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга, хусусан аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган. Иқтисодий ўсиш мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўсиши ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улушининг ошиши билан белгиланади. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан бир қаторда унинг тармоқ таркибини такомиллаштириб бориш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Қишлоқларда аҳоли турмуш даражасини ошириш давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини ифодалаб берувчи бош мезон бўлиб, бунга эришиш ижтимоий ривожланиш асосини ташкил этади.

Қишлоқларда аҳолининг турмуш даражасини оширишда фермер хўжаликларининг ҳиссаси юқори. Фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари каби қишлоқ хўжалиги ҳам барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда мустақиллик йилларида аграр тармоқда туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилганлиги,

фермер хўжаликлари ривожланиши учун барча ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилганлиги ва уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида эркин бозор муносабатларини жорий этиш ҳамда хусусий мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича кенг кўламли чоралар –тадбирлар амалга оширилди. Ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 2014 йилда 17.2 фоиз (2000 йилда 30.1 фоизи)ни ташкил этиб, олдинги йилларга караганда камайган бўлсада, ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2014 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми жорий баҳоларда 36957,0 млрд. Сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 6.9 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийиб 2,5 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.²⁸ 2015 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 42280,4 млрд сўмни, 14,2 фоизни ва 2,68 мартани ташкил этади (2.2-расм).

Республика аграр соҳада чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийиб 7 фоизга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қайд этганидек, “Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни

²⁸ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2015 й.

пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир”.²⁹



2.2-расм. 2013-2015 йиллар учун макроиқтисодий кўрсаткичлар.(млрд.сўм)³⁰

Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини оптималлаштирилишига эришилди ва барқарор иқтисодий фаолият юритишлари учун ташкилий ва иқтисодий асослар яратилди. “Ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Тошкент, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида энг кўп фермер хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди”.³¹

²⁹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имко- ниятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. //Халқ сўзи. 2014й., 18 январь

³⁰ stat.uz

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси/Халқ сўзи16 январь.2016 йил.

Шунингдек, асосий эътибор улар томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу жараённинг асоси бўлиб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, инновацион агротехнологияларни жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг мунтазам равишда амалга оширилиши хизмат қилмоқда.

“Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизатсия қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.”³²

Таъкидлаш жоизки ҳосилдорлиги ҳамда ернинг сифати, балл банитети жиҳатидан нисбатан паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига давлат бюджетидан субсидиялар берилади. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси/Халқ сўзи16 январь.2016 йил.

хўжаликларига 2008 йилда 60 млрд. сўм субсидия берилган бўлса, 2014 йилда уларнинг миқдори 226 млрд сўмни, 2015 йилда эса 253 млрд сўмни ташкил этди, яъни таҳлил даврида 4.2 баробарга ошди. (2.2-расм)



2.3-расм 2008-2015 йилларда фермер хўжаликларига давлат бюджетидан берилган субсидиялар тўғрисида маълумот (млрд сўм)³³

“Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.”³⁴

2013 йилда фермер хўжаликлари томонидан 3342.1 минг тонна пахта, 6487.4 минг тонна дон, 542.8 минг тонна картошка, 3031.7 минг тонна сабзавот, 781.6 минг тонна полиз экинлари ва 49 минг тонна гўшт маҳсулотлари етиштирилди.

Бу кўрсаткичлар 2014 йилда 3383.3 минг тонна пахта, 6294.9 минг тонна дон, 583.6 минг тонна картошка, 3251.0 минг тонна сабзавот, 841.1 минг тонна полиз экинлари ва 55.3 минг тонна гўшт миқдорларига эришилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, аграр соҳада олиб борилаётган

³³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси/Халқ сўзи 16 январь. 2016 йил.

³⁴ Шу манба.

иқтисодий ислохотлар ва чора-тадбирлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда 2015 йилда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

2.2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида пахта хомашёсидан бошқа экин турларига нисбатан йиллар давомида олинган ҳосил нисбатан камайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистон 2020 йилгача пахта хомашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш йўлидан бормоқда. Бу қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни амалга оширишда ва умуман мамлакатимиз ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Пахта етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага қисқартириш ҳисобидан 170 минг 500 гектар суғориладиган ер пахтадан бўшайди. Пахтадан бўшаган экин майдонларида аввало, сабзавот ва картошка, шулар қаторида озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилиши режалаштирилган. Бу 2020 йилда картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоизга кўпайтириш имконини беради. Ўз навбатида, шу турдаги маҳсулотлар экспортининг салмоқли даражада кенгайишига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириши ва қишлоқ жойларда қайта ишловчи ишлаб чиқариш корхоналарнинг жадал ривожлантириши ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳамда аграр тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз И.А. Каримовнинг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

2.2-жадвал

Фермер хўжаликлари фаолиятларининг асосий кўрсаткичлари (тонна)³⁵

| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | Барча тоифадаги хўжалиklar | | | шу жумладан: | | | | | | | | |
|------------------------------|----------------------------|----------|-----------------|--------------------|---------|-----------------|-------------------------------------|---------|-----------------|--|--------|-----------------|
| | | | | фермер хўжаликлари | | | деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | | | қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | | |
| | 2014й. | 2015й. | Ўсиш суръати, % | 2014й. | 2015й. | Ўсиш суръати, % | 2014й. | 2015й. | Ўсиш суръати, % | 2014й. | 2015й. | Ўсиш суръати, % |
| Дон ва дуккакли дон | 8050527 | 8176615 | 101,6 | 6489009 | 6588245 | 101,5 | 1460598 | 1482860 | 101,5 | 100920 | 105510 | 104,5 |
| Пахта хом-ашёси | 3400248 | 3361260 | 98,9 | 3383362 | 3344837 | 98,9 | | | | 16886 | 16423 | 97,3 |
| Мойли экинлар | 82100 | 98003 | 119,4 | 66520 | 79334 | 119,3 | 12181 | 14603 | 119,9 | 3399 | 4066 | 119,6 |
| Картошка | 2452449 | 2696710 | 110,0 | 585000 | 632093 | 108,1 | 1846919 | 2043193 | 110,6 | 20530 | 21424 | 104,4 |
| Сабзавотлар | 9286685 | 10128059 | 109,1 | 3254183 | 3458454 | 106,3 | 5953833 | 6584670 | 110,6 | 78669 | 84935 | 108,0 |
| Полиз | 1696091 | 1853061 | 109,3 | 841182 | 907199 | 107,8 | 825881 | 915265 | 110,8 | 29028 | 30597 | 105,4 |
| Мевалар ва резаворлар | 2490624 | 2746162 | 110,3 | 1135963 | 1260107 | 110,9 | 1303483 | 1429409 | 109,7 | 51178 | 56646 | 110,7 |
| Узум | 1441211 | 1579020 | 109,6 | 766295 | 843778 | 110,1 | 653126 | 711096 | 108,9 | 21790 | 24146 | 110,8 |

³⁵ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2015 й.

қарорига мувофиқ 2016 йилги ҳосилдан бошлаб ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмасини жорий этилади. Маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш, маҳсулот етказиб берувчилар — фермер ва деҳқон хўжаликлари ва истеъмолчилар — “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида амалга оширилади.

Ушбу қарорининг амалга ошириши мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантиради.

Қарорда ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ва деҳқон хўжаликларидан келишилган, бозор нархларида харид қилиниши белгиланган.

Ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномалари бўйича экспорт қилинади.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 26 апрелида Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Республика агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг “Uzbekistan Agrotech Expo-2016” XI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг “Uzbekistan Agromash Expo-2016” V Халқаро

ихтисослаштирилган кўргазмасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бундан кўзланган мақсад қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишини янада жадал ривожлантириш, энг янги технологиялар ва замонавий техника билан жиҳозланган мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихчам корхоналарни ташкил этиш, етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган илғор, юқори самарали технологиялар ва асбоб-ускуналар билан танишиш учун фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уларни сотиб олишда уларга кўмаклашишдан иборат.

II боб бўйича хулоса

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида табиий омиллар таъсири юқорилиги билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини агротехник, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун инвестициялар ажратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари, сув хўжалиги объектлари фаолиятининг мунтазамлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг техника таъминотини кучайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиштирувчи хўжаликларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Аграр секторининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ бўлиб. инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини кучайтиради.

III. БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Фермер хўжалиklarини фаолиятини самарашли ташкил этишда агрокластер усулларини қўллаш

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғи барча соҳа ва тармоқлар каби жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда соҳада кенг қўламли ислохотларнинг изчил амалга оширилаётганлиги, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ҳолатлар, давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатнинг 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилдаги иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаларида алоҳида қайд этганларидек, “Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.”³⁶.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган аграр соҳадаги ислохотларни бочқичма-босқич амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий эркинликларини кенгайтирилди, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари таркибий тузилмасини қайта ўзгартирилиб, уларнинг негизида фермер хўжалиklarини ташкил этилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг

³⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон республикаси президенти ислон каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

моддий-техника базасини ривожлантирилди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратиш орқали барқарор иқтисодий фаолият юритишларининг ташкилий ва иқтисодий асослари яратилди. “Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда”.³⁷

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши унинг рақобатбардошлигига, модернизациялашни амалга оширишга бевосита боғлиқдир. Модернизациялаш, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг истиқболли рақобатбардош моделини яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида фаолият юритаётган турли хўжалик юритиш субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, унинг мақбул ижтимоий таркиби ва қишлоқ хўжалиги субъектларини бозор тамойилларига мос ташкилий турларини шакллантиришни тақозо этади. Ушбу йўналишда агрокластерларни

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон республикаси президенти ислом каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. / “халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

Ўзбекистонда барпо этиш муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабдан республика шароитида янги институционал тузилма ҳисобланган агрокластерларнинг назарий, услубий жиҳатлари ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим омил ҳисобланади.

“Кластер” атамаси (инглиз тилидан «cluster» сўзини таржима қилинганда) бир қанча бир хил элементларнинг бирлашуви, тўпланиши, гуруҳ маъноларида ва маълум даражада ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил бирлик тушунилади. У дастлаб математикада ва, аксарият, табиий фанларда ишлатилган. 1970 йилларда иқтисодиётда швед иқтисодчилари К. Фредрикссон ва Л. Линдмарклар³⁸ чегараланган ҳудудда корхоналарнинг тўпланишини белгилашда бу атамадан фойдаланганлар.

Илмий жараёнга 20-асрнинг 80-йилларида М. Портер томонидан “кластер” атамаси иқтисодий категория сифатида киритилган. Унинг фикрича, кластер – маълум соҳада фаолият кўрсатаётган компания ва институтларнинг географик жиҳатдан тармоқлараро бирлашув³⁹ ҳисобланади.

Агрокластернинг моҳияти А.А. Настин томонидан атрофлича асосланган: “агрокластер бир вақтда ва ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишда бирлашиш мақсадида географик жиҳатдан бир жойда жойлашган, ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, турли мулк эгалари – оилавий ферма, фермерларнинг кооператив корхоналари, ижтимоий ва илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва маслаҳат хизматларидан иборат бозор субъектлари тизими”⁴⁰ дан иборат.

Агрокластерлар ўзининг иқтисодий мазмунига кўра агросаноат мажмуида тадбиркорлик агрокластери тарзида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам, назарий жиҳатдан унинг иқтисодий категория сифатида талқин

³⁸ Spatial analysis, industry and the industrial environment. Progress in research and applications. Vol. 1. Industrial systems / Edited by F.E.I. Hamilton and Linge G.J. R.Chichester, N. Y. Brisbane, Toronto: Wiley, 1979.

³⁹ Porter, M. 1998. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. Available at: <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>

⁴⁰ Настин А.А. "Формирование агропромышленного кластера в регионе", 2011

этилиши агрокластернинг моҳиятини кенгроқ очиб беради. А.В.Глотка фикрича “агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери – ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларининг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган худудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интеграцион тузилма”⁴¹ тарзида баён этилган.

Ушбу назарий таърифларни умумлаштириб, “агрокластер – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда келажакда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экологик муҳитни яхшилашда фаолият юритадиган хўжалик юритиш субъектларидан таркиб топади”, деган хулосага келиш мумкин (3.1жадвал).

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг ижобий натижаларига кўра, агрокластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантириш қишлоқ хўжалигининг рақобатбардош ривожланишининг самарали омилларидан бири ҳисобланади.

Агрокластерларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашда давлат бевосита иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, М.Портер томонидан асосланган агрокластер унинг тўртта рақобат устуворлиги: “ромб модели чўққилари” – «Diamond»⁴² орқали қўллаб-қувватланади.(3.1-расм) Яъни:

⁴¹ Глотко А.В. Инновационно-кластерная развития АПК. Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием “Проблемы и перспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации” 3–4 октября 2008 г., Горно-Алтайский, РИО ГАГ.

⁴² Портер М. Международная конкуренция / Пер. с англ. – М.: «Международные отношения», 1993. –с. 898.

Агрокластерларнинг умумий хусусиятлари⁴³

| Кўрсаткичлар | Мазмуни |
|--|---|
| Ташкил этишдан мақсади | Инновация алоқаларини ривожлантириш, ихтисослашуви ва жойлашуви орқали бозор субъектларини бир-бирларига яқинлаштиришлари эвазига алоҳида тармоқлар ёки минтақаларнинг рақобатбардошлигини ошириш |
| Алоқаларнинг турлари ва хусусиятлари | Вазифалари, бозор, минтақавий ва тармоқлар ўртасида |
| Самарали тизимнинг шаклланиши (усуллари) | Бозор муносабатлари ва механизмлари таъсирида, давлат-хусусий корхоналар ҳамкорлигини мақсадли ташкил этиш, агрохолдинглар ва кўшма корхоналар ҳамда алоҳида иқтисодий ҳудудлар тузиш |
| Иқтисодий асоси | Инновацион ишлаб чиқариш, технопарклар, ягона технологик жараёнларга эга бўлган ишлаб чиқариш ва тармоқлар |
| Институционал хусусиятлари | Давлат стратегияси объекти, шу жумладан, инновация соҳасида |
| Ташкил этиш ва бошқариш усуллари | Стратегик ва индикатив режалаштириш, мақсадли-дастурий ёндашув, лойиҳа усуллари |
| Назарий асослари | М.Портер рақобат назарияси, тизимли ёндашув асослари, “ўсиш доираси” концепцияси ва бошқалар |
| Иқтисодий тизими | Бозор иқтисодиёти |
| Чегаралари | Белгиланган ҳудуди чегараланмаган, аналитик усуллар орқали аниқланади |

1. “Фирма стратегияси, рақобат” (инвестиция, фирмаларнинг доимий ривожланиши ва улар ўртасида кучли рақобатни рағбатлантирувчи иқтисодий сиёсат).


2. “Талаб” (истеъмолчининг талаби, унинг эҳтиёжи).

3 “Ишлаб чиқариш омиллари” (табиий, меҳнат ресурслари, капитал,

⁴³ Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. «Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари»

бозор инфратузилмаси, конунчилик тизими, маълумотлар инфратузилмаси, фан-техника ва технологик жараёнлар).

4. “Турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар” (рақобатбардош таъминловчилар ва турдош тармоқлар).



3.1-расм. “Ромб модели чўққилари” («Diamond») ⁴⁴

Шунингдек, давлат томонидан “кластер сиёсати” бевосита бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта йўналишда яъни инновациялар учун тўсиқларни бартараф этиш, инсон капитали ва инфратузилмага инвестицияларни йўналтириш ва агрокластер иштирокчиларининг географик жиҳатдан тўпланишини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилиши лозим.

Агрокластерлар ўз фаолиятида қуйидаги хусусиятга асосланиши мумкин:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;
- тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;

⁴⁴ Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. «Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари»

- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланиши.

Агрокластернинг маркази ўз атрофига стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари), турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, маҳсулотларни сотиш ва реклама қилувчи маркетинг хизматини бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин (3.1-расм). Агрокластерлар янги институционал бирлик бўлганлиги учун ҳам, махсус давлат ташкилоти, масалан, Иқтисодий ривожлантириш агентлиги ёки Ўзбекистон шароитида савдо-саноат палатаси, Республика Фермерлар кенгаши томонидан амалга оширилиши, бунда, таъсисчилар сифатида давлат томонидан минтақалар ташкилотлари (кўчмас мулк ва бошқа мулклар билан таъминлаши), илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари (туман ҳокимлиги), қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (туман фермерлар кенгаши ва деҳқонлар), қайта ишловчи корхоналар, турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектлари ва маҳсулотни сотувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этилиши мумкин.

Агрокластерлар борасида илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлар Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов, ва И.Ғаниевларнинг Гарвард Университети профессори, рақобат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олим М.Портернинг АҚШнинг Калифорния узум кластери бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари асосида кластернинг аҳамияти ва ҳудудий ривожланишга қўшадиган ҳиссаси ҳақида: “Кластер рақобатга уч йўл билан таъсир кўрсатади: биринчидан, ҳудуддаги корхоналар ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади; иккинчидан, келажакда ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсишига асос бўладиган инновацияларни йўналиши ва суръатини ҳаракатга келтиради ва учинчидан, кластерни мустаҳкамлайдиган

ва кенгайтиришга асос бўладиган янги бизнес соҳаларини вужудга келтиради” хулосасини келтирганлар⁴⁵.



3.1-расм. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кластер усулида ташкил этиш⁴⁶.

Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этишда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида қўллаш истиқболларини ўрганишни тақозо этади.

Бу борада, ўзининг иқтисодий, ташкилий ва институционал жиҳатлари билан Жанубий Корея давлати тажрибаси Ўзбекистон шароитига ўхшашлиги билан ажралиб туради.

Кореяда асосан агрокластерларни ривожлантириш зарурияти қуйидаги омилларга боғлиқ. Ушбу омилларни Ўзбекистон шароитида ҳам

⁴⁵ Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Ғаниев И. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қайта ишлашни ривожлантиришда агрокластерларни яратишдаги дастлабки қадамлар.// “Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами, ТДИУ, 2014 йил 30 апрель.

⁴⁶ Ш.Назаров “Вопросы разработки долгосрочных программ развития регионов, основанных на местных инициативах” лойиҳа материаллари.

агрокластерларни ривожлантириш зарурияти омиллари тарзида инобатга олиш мумкин.

- давлатнинг қишлоқ хўжалигига амалий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши ҳамда ислохотларни амалга оширишдаги етакчилик;

- тарихий ва миллий анъаналардан фойдаланиш, сақлаб қолиш, замонавийлаштириш асосида янги йўналишларни шакллантириш;

- ҳудудий ихтисослашув ва қишлоқ хўжалиги ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш ва маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- давлат-университетлар-илмий тадқиқотлар-фермерлик-қайта ишлаш-бизнеснинг биргаликда фаолият юритишининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш механизми шакллантириш;

- олимлар мавқеи ва илмий тадқиқотлар натижаларининг ҳамда уларни қўллаб-қувватлашда давлат сиёсати даражасидаги мавқеини ошириш;

- юқори инновацияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга устуворлик берилиш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмининг шакллантириш;

- маркетинг тизимининг ривожлантириш;

- инсон капиталига муносабатнинг юқорилиги ва уни қишлоқда ривожлантиришга устуворлик берилиш.

Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда ушбу омилларнинг самарали ишлаши учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши лозим.

3.2. Фермер хўжаликларини такомиллаштиришда молиялаштиришнинг устувор йўналишлари

Иқтисодий фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш аграр тармоқ ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ижобий таъсир этувчи муҳим омилдир. Шу сабабдан мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда аграр соҳа фаолиятини боқариш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Аграр соҳа ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида истеъмол бозори етарли даражада сифатли маҳсулотлар, саноат эса хом ашё билан таъминланади. Бу эса аграр тармок фаолиятини самарали бошқаришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Аграр тармокда товар ишлаб чиқарувчиларининг шароитини яхшилаш учун қуйидаги асосий муаммоларни ҳал этилиши аграр тармокни бошқаришда иқтисодий мустақиллигини ва молиявий барқарорлигини таъминлайди:

– маҳсулот сотиш ва экспортга йуллантириш учун яхши шароит яратиш;

– аграр тармок корхоналари ва бирлашмаларида бозор конъюнктурасини мунтазам ўрганиб бориш ва маркетинг фаолиятини кучайтириш;

– қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат ва минтақа бюджетлари имкониятлари доирасида қўллаб-қувватлаш;

– тармокда кредит-молия хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш, товар ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бюджетдан ташқари фондлар ташкил этиш.

Аграр тармокни бозор иқтисодиёти шароитига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқаришда молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш муҳим таркибий қисм саналади. Бу жараёнларни такомиллаштиришнинг асосий мақсади - тармокда молия-кредит ислоҳотларини амалга ошириш орқали, хўжалик субъектларининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун молиявий маблағлардан фойдаланиш, эркин бозордан моддий-техник воситалар харид қилиш, кредитларни қайтариш ва капитал тўплашга имкон берадиган рентабеллик даражасига эришиш учун тадбиркорона иш юритишига қаратилган.

Молиялаштириш барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағларидан фойдаланишидир. Молиялаштириш барча турдаги молиявий ресурслар (ўз маблағи, кредит, бўнак ва бошқа) ва пул маблағлари билан

таъминлаш юзасидан бўладиган муносабатлар ва амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Ушбу тизим молиялаштириш механизми ёки молия бозори сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда аграр тармокни молиялаштириш механизми ўзига хос таркибий тузилишга эга (3.2-расм).



3.2-расм Аграр тармокни молиялаштириш механизмининг таркибий тузилиши⁴⁷

Молиялаштириш механизми уч асосий қисмдан: молиявий маблағлар билан таъминловчи муассасалар, молиявий ресурслар ва молиявий маблағлардан фойдаланувчи аграр тадбиркорлик субъектларидан иборат.

Молия механизми (бозори) объекти бўлиб молия маблағларидан фойдаланувчилар гуруҳи (аграр тармок субъектлари яъни, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари ва бошқа аграр соҳа субъектлари)

⁴⁷ Махмудова Г.Х. “Аграр тармокни инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўллари”/И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. БМА,2010й. 8 б.

хисобланади ва шу гуруҳ эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиришдир асосий вазифасидир.

Молиявий маблағлар билан таъминловчи муассасалар молия маблағларидан фойдаланувчилар учун молия манбаидир ва улар таркибига банк тизими, давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар, минибанклар, қайта ишловчи корхоналар ва тайёрлов ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, инвесторлар киради.

Аграр корхоналарнинг молияси қуйидаги тамойилларга асосан ташкил этилади:

– хўжалик жиҳатдан мустақиллик тамойили – қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолият соҳаларини ва пул маблағларини сарфлаш йўналишларини мустақил тартибда белгилаш;

– ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамойили – ишлаб чиқариш, сотиш ва инвестиция харажатларининг ўз маблағлари ҳисобига ва зарур бўлганида кредит ҳисобига тўлиқ қопланиши;

– моддий манфаатдорлик тамойили - тадбиркорлик фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича иқтисодий шароитлар яратилиши;

– моддий жавобгарлик тамойили – хўжалик фаолиятини юритиш ва унинг натижалари учун жавобгарлик тизими мавжудлиги;

– молиявий резервларни ташкил этиш тамойили – хўжалик юритиш давомида молиявий аҳволни тиклаш учун етарли резервлар ташкил этиш.

Бозор муносабатлари шароитида ҳамма тармоқдаги тижорат корхоналарининг молияси тижорат ҳисоби шаклида ташкил этилади ва юқоридаги тамойилларга асосланади.


Аграр корхоналар молиясини ташкил этиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш шароитлари билан чамбар-час боғлиқ. Йил давомида харажатларни амалга ошириш ва даромад олиш муддатлари ўртасида мавсумий узилишлар мавжудлиги сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналари катта миқдорда айланма

маблағлар захирасига эга бўлиши талаб этилади. Айланма маблағларнинг секин айланиши, ишлаб чиқариш захираларини бир йўла ташкил қилиш ва узоқ вақт сақлашнинг талаб этилиши, тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари катта суммани ташкил қилиши каби омиллар ишлаб чиқаришни маблағ билан таъминлаш, асосий ва айланма капитални ташкил қилиш ва фойдаланиш тартибини, уларнинг турлари ва таркибини шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Йил давомида харажатлар билан маҳсулот сотишдан олинадиган пул киримларининг мавсумий номунофиқлиги ва ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ишлаб чиқариш харажатлари ўсиб бораётган даврда харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши ва аксинча йиғим-терим даврида сотишдан тушган пул киримларининг харажатларга нисбатан ортишини вужудга келтиради. Йил давомида ишлаб чиқаришни маблағ билан узлуксиз таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари қарз маблағларини жалб этади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги корхоналари табиий офатлар, ҳосилнинг касалланиши, ҳосилнинг норбуд бўлиши каби ходисалардан кафолатланган эмас. Шу сабабдан, ишлаб чиқариш барқарор ривожланиб бориши ва кўрилган зарарларни қоплаш учун олинган даромаддан суғурта ва захира фондларига катта маблағлар ажратишга мажбурдир ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарида олиб бориладиган агротехник тадбирларнинг амалга оширилиш даврларини ҳисобга олган ҳолда молиялаш манбалари белгиланиши зарур. Бу эса, хўжаликнинг молиявий ҳолатини доимий равишда ўрганиб боришни тақозо этади.

Аграр тармоқда молияни бошқаришни тўғри ташкил қилиш - молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни белгилаб берувчи асосий омилидир. Молиявий режалаштиришнинг аниқ вазифаларини корхона молия сиёсати мақсадларидан келиб чиқган ҳолда белгиланади. У ўз таркибига: режали топшириқларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурслар миқдори ва уларнинг манбалари; харажатларни иқтисод қилиш ва даромад резервларини

оширишни аниқлаш; марказлашган ва марказлашмаган фондлар ўртасидаги тақсимлашларни оптимал йўллари кидириб топиш ва бошқаларни олади.



3.3-расм. Қишлоқ хўжалигида молиявий механизм ҳолати.⁴⁸

Аграр соҳада молиявий сиёсат вазифаларнинг характериға, мураккаблиғиға ва даврини узоклиғиға қараб молиявий стратегия, молиявий тактика шаклида олиб борилади (3.3-расм).

Молиявий ресурслар билан таъминлаш учун тузилган асосий режанинг тарзига молиявий стратегия деб айтилади. Молиявий стратегия соҳанинг молиявий аҳволи тахлили, асосий ва айланма маблагларини оптималлаштириш, даромадни тақсимлаш, нақд пулсиз тўловлар, солиқ, нарх ва қимматли қоғозлар сиёсатларини ўзида жамлайди.

Аграр тармок молиявий стратегияси – ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берувчи, узок истиқболга мўлжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, у молия

⁴⁸ Шкаруна Е.А. Финансово-кредитная инфраструктура малого бизнеса: современное состояние и перспективы развития / Экономический анализ: теория и практика. – 2011. - №27, с.50,51.

ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиш ва молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутди. Молиявий стратегияни тўғри ишлаб чиқиш – корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди. Ишлаб чиқилган стратегия хўжалик субъектининг мустахкам иқтисодий ривожланишини, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошишини таъминлаши зарур. Молиявий стратегиянинг йўқлиги корхона ташкилий бўлимларининг молиявий қарорларининг “тарқоқ”лигини вужудга келтиради, бу эса маълум номутаносибликларга ва молиявий фаолият самарадорлиги пасайишига олиб келади.



3.4-расм. Молиявий стратегия ишлаб чиқиш тартиби.⁴⁹

Корхона узоқ муддатли мақсадларини танлаш ва мақсадли дастурларни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишлари молиявий стратегияда мужассамлаштиради .

Аграр тармоқдаги молиявий тактика – стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади.

⁴⁹ Махмудова Г.Х. “Аграр тармоқни инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўллари”/И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. БМА,2010й. 8 б.

Фаол ва тўғри ташкил этилган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритишнинг асосий шартларидан биридир. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини билиш, амалиётда унинг услубларидан фойдалана олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлиши лозим. Бунинг ҳаммаси хўжалик юритишда молиявий менежментдан фаол фойдаланишни тақозо этади.

Молиявий бошқариш моддий-молиявий таъминот ва ишлаб чиқариш вазифаларини ўзаро боғлаш ҳисобига энг юқори фойдали маҳсулот ҳажмини башоратлаш асосида маълум стратегия ва тактика ишлаб чиқаришни талаб қилади. Пул айланишини ташкил этиш, асосий ва айланма маблағлар билан таъминлаш, инвестиция интументлар, молия ишларини ташкил этиш бошқарув объектининг функциялари ҳисобланади. Бунда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

– харажатларни режалаштириш: бунда харажатларнинг умумий миқдори эмас, балки ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига тўғри келган ўртача харажатлар муҳим аҳамият касб этади;

– фойдани режалаштириш: фойда ва зараларни бир-биридан ажратиб турадиган “ўлик нуқта” ёки “рентабеллик нуқтаси” муҳим аҳамиятга эга;

– кассани режалаштириш: фойдани режалаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, маълум давр мобайнида барча тушумларнинг манбаларини ва нақт пул сарфини баҳолаш жараёнидан иборат. Бунда асосий вазифа бўлиб пул маблағларини товар захираларига, дебитор қарзларга ва нақт пулга айлантириш учун зарур бўладиган айланма капиталнинг энг кам миқдорини аниқлаш ҳисобланади.

– инвестицион режа: ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришга йўналтирилган маблағлар миқдорини аниқлаш.

Агар моддий ишлаб чиқариш тармоқларида фойда ва рентабеллик асосий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланса, ноишлаб чиқариш соҳасида бундай кўрсаткич бўлиб самарали хўжалик юритиш ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш натижасида тежалган маблағлар ҳисобланади.

Келажакдаги фаолият ва натижаларнинг мавҳумлиги, режалаштиришнинг йуналтириувчанлик хусусияти, режа асосида иқтисодий шарт-шароитларнинг оптималлаштирилиши молиявий режалаштиришнинг макро ва микро даражада заруриятини белгилаб беради. Аграр тармоқда молиявий режалаштириш асосида стратегик ва ишлаб чиқариш режалари ётади.

Стратегик режа соҳа мақсадлари, вазифалари, бажарилиш миқдосининг шакллантиришни кўзда тутди. Ишлаб чиқариш режаси стратегик режа асосида тузилади ва ўз ичига ишлаб чиқариш, маркетинг, илмий-тадқиқот ва инвестицион сиёсатни қамраб олади.

Молиявий режа ўзида соҳанинг молиявий мақсадларига эришиш услубларини тавсифловчи, унинг даромад ва ҳаражатлари боғловчи ҳужжатлар тўпламидан иборат. Молиявий режалаштириш жараёнида:

- молиявий мақсадлар белгиланади;
- азкур молиявий мақсадларга молиявий ҳолатини мувофиқ келиш даражаси аниқланади;
- қаратилган мақсадларга эришишга йўналтирилган ҳаракатлар, тадбирлар кетма кетлиги шакллантирилади.

Аграр тармоқда молиявий режа қисқа ва узоқ муддатли молиявий режаларга бўлинади. Қисқа муддатли молиявий режанинг мақсади – молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан кенгайиш суръатини аниқлаш ҳисобланади. Узоқ муддатли молиявий режанинг мақсади – доимий тўлов қобилиятини таъминлаш ҳисобланади. Бунда: молиявий ҳолат таҳлил қилинади, тахминий смета ва бюджет тузилади, келгусида молиявий ресурсларга умумий эҳтиёжи аниқланади, молиялаштириш манбаларининг структуралари башорат қилинади, назорат ва бошқаришнинг мувофиқ келувчи тизими тузилади ва режага ўзгартиришлар киритиш тартиблари ишлаб чиқилади.

Соҳада молиявий режани мазмуни, асосан инвестицион сиёсат, асосий фондларни молиялаштириш сиёсати, узоқ муддатли қўйилмаларга нисбатан сиёсат, айланма капитални бошқариш, ишлаб чиқариш захираларини бошқариш ва дебиторлик қарзларни бошқаришни ўз ичига олади.

Ҳозирда аграр соҳани молиявий режалаштиришда башоратлаштириш алоҳида ўрин эгалламоқда. Молиявий менежер реализация ҳажмини, маҳсулот тан нархини молиялаштириш манбалари, пул оқимлари миқдорини башоратлаштириши зарур. Башоратлаштиришнинг эксперт баҳолаш усули, ситуацион таҳлил ва башоратлаштириш усуллари усулари ҳозирги пайтда самарали ҳисобланади. Самарали башорат қилиш орқали соҳада режалаштирилаётган муҳим лойиҳалар натижалари амалга ошириш имконияти вужудга келади.

Аниқ лойиҳа ишлаб чиқариш инвестициядан фойдаланишнинг муҳим тармоғи бўлиб ҳисобланади. Яъни, маълум бир вақт давомида бутун жамиятнинг ихтиёрида бўлган инвестицияларни тақсимлашда уларнинг устувор ўрин эгаллаганлигидир. Инвестицияларни молиялаштиришнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, соҳага инвестиция ҳажмини ўстириш учун қўйидагилар муҳим:

-асосий ишлаб чиқариш фондларининг ресурслари ва муддатларини инобатга олган ҳолда, уларни қайта ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;

-инвестицион жараёни тартибга солишнинг мақбул механизминини танлаш;

-ўз ресурсларини топиш ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларини оқилона нисбатини аниқлаш;

-хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва улар маблағларини иқтисодиётга жалб этиш;

-капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш.

Инвестицияларни молиялаштириш, асосан, қонунчилик (асосан, солиқ қонунчилиги), мамлакатдаги аграр иқтисодий сиёсат, мамлакат иқтисодий

аҳволи, инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасининг ривож ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири бу инфратузилмага инвестиция киритиш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Инвестицияларни кўпроқ жалб қилишда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Аграр тармоқнинг инвесторларни жалб қилувчи хусусиятлари кўйидагилар:

-тармоқнинг ривожланиш ҳажми ва даражаси, тармоқдаги рақобатчилик характери;

-мавжуд корхоналарнинг ривожланиши, тармоққа янги корхоналарнинг кириб келиши;

-тармоқда инновация ва технологияларнинг роли;

-қонунчилик тартиби;

-тармоқдаги рақобат;

-тармоқда мавжуд солиқ сиёсати ва имтиёзлари ва бошқалар.

Аграр тармоқдаги иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва таркибини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун танланган ишлаб чиқариш турлари ва корхоналар белгиланган муддатларда ўзини қоплаши, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олиши лозим. Бунда инвестицияларнинг қайтарилиш тезлиги ва самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Инвестициянинг сиёсати иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ва корхоналар аҳамиятлилигини ҳисобга олган ҳолда узок муддатга мўлжалланган стратегияга эга бўлиши лозим.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида шуни такидлаш мумкинки, аграр тармоқни бошқаришда ва уни молиялаштириш механизминини ривожлантиришда тўғри режалаштиришнинг ўрни катта аҳамиятга эга.

III боб бўйича хулоса

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида шаклланган хўжалик юритиш субъектлари ҳамда тармоқда улар ўртасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муносабатларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини тақозо этишдан келиб чиққан ҳолда агрокластерларни барпо этиш борасида янги йўналишни амалга ошириш бугунги кунда аграр сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланиши лозим.

Агрокластерларни ташкил этиш зарурияти, тамойиллари, босқичлари, ривожлантириш йўллари ва самарадорлигини баҳолашда кенг камровли ёндашув талаб этилади. Жумладан, авваламбор, назарий жиҳатдан бир хил гуруҳлар объектларини иқтисодий-географик жойлашувига кўра, кўп ўлчовли статистик жараёнлар жамланмаси таҳлиллари амалга оширилади. Методологик жиҳатдан эса, кластерлар ҳудудий-тармоқ мажмуаси назарияси, тизимли ёндашув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодий ўсиш концепцияларининг ўзаро алоқаларини акс эттиради. Ниҳоят, амалий жиҳатини, кластер иштирокчилари – қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришни стратегик бошқаришдан фойдаланиш ва эришилган натижалари ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун катта молиявий маблағ зарур бўлиб, уларни ҳозирги вақтда тўлиқ таъминлаш имкониятига эга эмас. Хатто молиявий ёрдам миқдори ошганда ҳам, бу хўжаликларнинг рентабеллиги ўз-ўзидан ошишига олиб келмайди. Шунинг учун аграр секторда фаолият юритаётган хўжалик субъектларига тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, корхонада молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда даромадларни шакллантиришни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, республикамызда фермер хўжаликлари раҳбарларининг юқори малакали мутахассислар бўлишларига эътибор бериш керак. Бу билан фермер хўжаликларини оқилона бошқариш ва ишлаб чиқариш ресурсларини самарадорлиги, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга имконият яратилади.

1. Ривожланган мамлакатларда фермерлар бир неча мутахассисликларга эга: агрономия, зоотехника, ветеринария, инженерия, иқтисод, механизаторлик ва ҳ.к.

Аграр соҳада товар ишлаб чиқарувчиларининг шароитини яхшилаш учун ҳал этилиши зарур бўлган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

-аграр тармок корхоналари ва бирлашмаларида маркетинг фаолиятини кучайтириш, шунингдек, бозор конъюнктурасини мунтазам ўрганиб бориш;

-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини даромад нуқтаи назаридан давлат ва минтақа бюджетлари имкониятлари доирасида қўллаб-қувватлаш;

-товар ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бюджетдан ташқари фондлар ташкил этиш йўли билан тармокда кредит-молия хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш.

2. Ҳар бир фермер бизнес-режа тузиш ва тақвимлашда ўз ресурслари ҳолатини инобатга олиши зарур. У ушбу режанинг ҳар бир бандига зарур ва жалб қилиш мумкин бўлган маблағ ҳажмини аниқлаши ва шундан сўнг бизнес-режа бошқарув орқали амалиётга жорий қилиниши мумкин.

3. Рақобатбардошликни ошириш учун, авваламбор, ишлаб чиқариш жараёнларида инновациялардан фойдаланган ҳолда тежамли харажатлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш, фермер хўжаликлари негизида қишлоқ хўжалик хомашёси ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг вертикал интеграцияси кичик ишлаб чиқарувчини ўз хўжалиги ташкилий режасини маркетинг сиёсатига

мос равишда ўзгартириш, ердан фойдаланиш ва техникавий жиҳозланиш даражасини доимий яхшилаш, маҳсулотни жаҳон бозори талабларига мувофиқ стандартлаштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, консервалашнинг мукамал услубларига ўтиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

4. Маркетинг стратегияси фермер хўжалигининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва уларнинг барқарор ривожлантиришдаги муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб, у маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш, сотиш тизимини такомиллаштириш ва инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, моддий-техника ресурслари ички ва ташқи бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича ахборот-маркетинг тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

5. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи қуйидаги мақбул йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишида; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш йўналишларида;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларига агротехник, иқтисодий, техникавий, зооветеринария ва бошқа соҳаларда хизматлар кўрсатиш йўналишларида;

- енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишларида;

- аҳолига савдо, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилиши мумкин.

6. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида табиий омиллар таъсири юқорилиги билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини агротехник, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун инвестициялар ажратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари, сув хўжалиги объектлари фаолиятининг мунтазамлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқарувчиларининг техника таъминотини кучайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиштирувчи хўжаликларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

7. Аграр секторининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ бўлиб. инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгилашиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини кучайтиради.

8. Қишлоқ жойларида фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотларига бозорнинг келажакдаги талаби ҳақидаги ахборотлар етишмаслиги, бошқарувда вужудга келган вазиятлардан чиқиб кетиш, муаммоларни ечимини топишда малакаларининг етишмаслигини сезмоқдалар. Шунинг учун маслаҳат марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши фермер хўжаликлари бошқарувига ижобий таъсир кўрсатиб, самарадорлигининг ортишини кафолатлайди.

9. Агрокластерларни ташкил этиш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- агрокластерлар мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш – сақлаш – қайта ишлаш – сотиш технологик жараёнларини ягона интеграцион тизимга бирлаштириш орқали маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини назорат қилиш ҳамда оширишдан томонларнинг манфаатдорлигини таъминлайди;

- агрокластерларда меҳнат тақсимоти, ҳудудий ва хўжаликлараро ихтисослашув ҳамда меҳнат кооперацияси кучли ривожланган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади;

- агрокластерлар қишлоқ ҳудудларининг асрлар давомида шаклланган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва миллий анъаналаридан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги билим, кўникма ва тажрибаларидан самарали фойдаланишга, уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолишга имкон яратади;

- агрокластерларда давлат – олий ўқув юртлари - илмий тадқиқот муассасалари – фермер хўжаликлари – қайта ишлаш корхоналари – тайёрлов ва сотиш тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилиши натижасида ишлаб чиқаришга юқори унумли замонавий технологиялар ҳамда инновацияларни жорий этиш ишлари жадаллашади;

- агрокластерлар маркетинг тизимларини ривожлантириш орқали маҳсулотлар экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

10. Аграр соҳани бошқариш ва уни молиялаштириш тизимини яхши йўлга қўйишнинг устувор йўналиши – бу банк тизимини тўғри ташкил этиш, молия бозорини шакллантириш, молия институтлари ва инвестиция жараёнларини ривожлантириш ҳисобланади.

11. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун катта молиявий маблағ зарур бўлиб, уларни ҳозирги вақтда тўлиқ таъминлаш имкониятига эга эмас. Ҳатто молиявий ёрдам миқдори ошганда ҳам, бу хўжаликларнинг рентабеллиги ўз-ўзидан ошишига олиб келмайди. Шунинг учун аграр секторда фаолият юритаётган хўжалик субъектларига тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, корхонада молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда даромадларни шакллантиришни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва метадологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси– Т.:“Ўзбекистон”, 2014й.

1.2 Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: ”Адолат”, 1998 й.

1.3 Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. – Т., 2004 йил 26 август // “НОРМА” ахборот қидирув тизими.

1.4 Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: ”Адолат”, 1998 й.

1.5 Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонуни. - 2008 йил 15 сентябр.

1.6 Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майда қабул қилинган 69-ИИ-сонли қонуни.

1.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли фармони – 2003 йил 24 март.

1.8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. – 2005 йил 20 июн.

1.9 “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони - 2005 йил 14 июн.

1.10 “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони – 2005 йил 12 январ.

1.11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 308-сонли қарори. – 2006 йил 23 март.

1.12 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори 2010 йил 29 декабр.

1.13 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжалиқларини қайта ташлик этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони – 2011 йил 18 апрел.

1.14 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжалиқларга қишлоқ хўжалигимаҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2344-сонли қарори 2012 йил 20 март.

1.15 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ- 1958-сонли “2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

1.16 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – 2014 йил 15 май.

1.17 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2-Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат дастурини кучга киритиш тўғрисидаги ПҚ- 1046-сонли қарори. – 2014 йил 15 май.

1.18 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунҳужжатлари тўплами, 2016 йил 15-сон 145-модда. // Халқ сўзи газетасининг 2016 йил 13 апрелдаги 72 (6507)-сони.

1.19 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси 2015 йил 19 январ.

1.20 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи газетаси 2016 йил 19 январ.

1.21 Каримов И.А. "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони 2012 йил 22 октябр

1.22 Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи. - №16 (5183) 2011 йил 22 январ.

1.23 Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир // Халқ сўзи. 2010 йил 28 январ.

1.24 Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18- Жилд. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ 2010.

1.25 Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // Халқ сўзи. 2009 йил 14 феврал.

1.26 Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. 17 Жилд. – Т.:Ўзбекистон, НМИУ 2009.

1.27 Тадбиркорлик ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал Демократик партияси; Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти – Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти 2007 й.

1.28 А. Пардаев. О.Зокиров - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти- Дарслик. Т.: “ОАЖБНТ” маркази 2003 й.

1.29 А. В.Ваҳобов, Т.С. Маликов – Молия – Дарслик. Т.: ”Ношир” 2011й.

1.30 О.Олимжонов - Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий молиявий асослари. Т.: ”Университет” 2005 й.

1.31 Н.М. Зиявитдинова; Й.М. Ўринов – Менежмент – Ўқув қўлланма. Т.: ”Тафаккур- Бўстони” 2012 й .

1.32 М. Шарифхўжаев, Й. Абдуллаев - “Менежмент” – Дарслик. Т.: “Ўқитувчи” 2001 й.

1.33 Мамарасулов Х.К., Тошматов А.А., Саидакбаров Х.Х., Йўлдошев М.К., “Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий жиҳатлари” // Фермерлар учун қўлланма. – Т.: 2013.

1.34 Ў.П.Умурзоқов ва бошқалар - Фермер хўжалиги иқтисодиёти – Ўқув қўлланма – Т.: ”Иқтисод-молия” 2007 й.

1.35 Ғ.А.Саматов ва бошқалар – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти – Дарслик. Т.: ”Чўпон” 2012 й.

1.36 Тарасов А, Формирование региольного рынка зерна, // “Вопросы экономики” Москва 2008 г. №8.

1.37 Пиплз К, Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России ,// “Вопросы экономики” Москва 1997 №8 с.156.

1.38 Костюкова Е,И, Кредиторвание аграрного сектора основной фактор развития сельскохозяйственного производства // Финансы и кредит. – 2008 г. №23. – с. 35-39.

1.39 Шкаруна Е.А. Финансово-кпедитная инфраструктура малого бизнеса: современное состояние и перспективы развития/ Экономический анализ:теория и практика. – 2011. - №27, с.50,51.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1 Махмудова Г.Ҳ. Аграр тармоқни инвеститсиялаш самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илм.дар.олиш учун ёзилган дисс.автореф. – БМА, 2010. – 8 б.

2.2 Ў.А.Сайдахмедов; У.А.Назарова – Республика аграр ишлаб чиқариш соҳасини бошқаришнинг иқтисодий механизми асослари – монография – Т.: ”Молия- Иқтисод”. 2014 й

2.3 С.Н. Хамраева “Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш тенденцияси ва ҳозирги ҳолати таҳлили” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель 2016 йил

III. Фойдаланган бошқа адабиётлар

3.1 Ўзбекистон Республикаси йиллик статистис тўплами 2015 йил.

3.2 Ўзбекистон фермерлари Кенгаши ҳисоботлари.

3.3 <http://www.cer.uz> "Економическое обозрение» журналининг сайти

3.4 Интернет сайтлари:

- <http://www.google.com> “Маълумотлар қидирув сайти”


- <http://www.uza.uz> “Ўзбекистон ахборот агентлиги” сайти

- <http://www.stat.uz> Давлат Статистика қўмитасининг сайти

- <http://www.minjust.uz> Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги расмий сайти

- www.bank.uz Ўзбекистон Молиявий бозори расмий сайти

**Фермер хўжаликларини самарали бошқаришга таъсир
этувчи ички ва ташқи омиллар⁵⁰**



⁵⁰ О. А. Сайдахмедов “Аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Тошкент-2012

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА БОШҚАРИШНИНГ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА АНКЕТА
СЎРОВНОМАСИ⁵¹**

Вилоят _____

201_ йил _____ ой

Туман _____

_____ номли фермер хўжалиги

Фермер хўжалигининг раҳбари (фермер) _____

Ф.И.Ш. _____

Туғилган йили, ой, кун _____

Фермерликда иш тажрибаси _____

_____ йил

Маълумоти:

олий ўрта махсус ўрта

Мутахассислиги _____

Фермер хўжалиги ихтисослиги:

пахта-ғалла чорвачилик сабзавотчилик боғдорчилик узумчилик I-Умумий кўрсаткичлар

Ер майдони, _____ га

Экинлар тури (гектар):

пахта _____

ғалла _____

сабзавот _____

мева _____

узум _____

бошқа экинлар _____

Ҳосилдорлик, ц/га:

пахта _____

ғалла _____

сабзавот _____

мева _____

узум _____

бошқа экинлар _____

Дехқончиликдан:

ялпи даромад _____ млн. сўм

соф даромад _____ млн. сўм

рентабеллик _____ %

⁵¹ О. А. Сайдахмедов “Аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Тошкент-2012

Чорвачиликка ихтисослашганлигиқорамол гўшти етиштириш сут етиштириш қўй ва эчки паррандачилиқ **Мол боши сони**

қорамол _____

сигирлар _____

қўй ва эчки _____

Чорвачилиқдан:

ялпи даромад _____ млн. сўм

соф даромад _____ млн. сўм

рентабеллик _____ %

Маҳсулотни қайта ишлаш корхонаси ёки цехи:бор йўқ

йўналиши _____

қуввати, млн. шартли банка _____

Ҳақиқатда қайта ишланди _____ минг тонна 2010 йил

Қайта ишлашдан даромад:

ялпи даромад _____ млн. сўм

соф даромад _____ млн. сўм

рентабеллик _____ %

Барча йўналишлар бўйича жами:

ялпи даромад _____ млн. сўм

соф даромад _____ млн. сўм

рентабеллик _____ %

II-Бошқариш тизими бўйича сўровнома**1) Бошқариш услубияти:**маъмурий (фермернинг ўз бошқаруви) демократик (ходимлар билан маслаҳатлашган равишда) иқтисодий (мутахассислар фикри ва иқтисодий таҳлил асосида) **2) Бошқариш бўйича қарор қабул қилиш:**мустақил (фермер ўз фикри бўйича) юқоридан олинган топшириқ асосида иқтисодий таҳлил асосида **3) Ҳуқуқий масалалар бўйича ким шуғулланади:**ҳуқуқшунос ходим (доимий ёки вақти - вақти билан жалб қилинадиган) фермернинг ўзи консалтинг хизмат корхонаси **4) Молиялаштириш ва кредит масалалари билан ким шуғулланади:**фермернинг ўзи фермер бухгалтери консалтинг хизмат корхонаси мутахассиси **5) Технологик (агротехник) масалалар бўйича қарор қабул қилиш:**фермернинг ўзи мустақил юқоридан берилган кўрсатма асосида мутахассислар маслаҳати асосида **6) Маркетинг (маҳсулот сотиш) бўйича қарор қабул қилиш:**фермернинг ўзи мустақил равишда юқоридан берилган кўрсатма асосида маркетолог (махсус ходим) сервис хизмат корхонаси **7) Ресурслар таъминоти бўйича қарор қабул қилиш:**фермернинг ўзи эркин равишда марказлаштирилган тақсимотга асосан турли йўллар билан таъминланиш асосида

- 8) **Ходимларни меҳнатга жалб қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича қарор қабул қилиш:**
 фермернинг топшириғи (буйруғи) асосида
 иш жараёнидаги моддий ва маънавий рағбатлантириш (қўшимча иш хақи, мукофот, мақтов ва х.к.)
 якуний натижага бўлган ишончни ошириш асосида
- 9) **Сифатсиз ва ёмон ишлагани учун чора кўриш бўйича қарор қабул қилиш:**
 ишдан бўшатиш
 хайфсан эълон қилиш ёки психологик таъсир ўтказиш
 келтирилган зарарни ундириш
- 10) **Хўжалик фаолиятини самарали бошқаришда халал бераётган муаммолар:**
 юқори ташкилотларнинг ортиқча аралашуви
 бошқариш бўйича билим ва тажрибанинг етишмаслиги
 қонун, қарор, меъёрий ҳужжатларнинг қўплиги ва уларни ўз вақтида тўлиқ ўрганиб олишдаги қийинчиликлар
- 11) **Хўжаликнинг ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилганлиги:**
 йўқ
 ишлаб чиқилган
 2-3 йилга
 5-6 йилга
 10 йил ва ундан узоқроқ муддатга
- 12) **Ўз маълумотингиз (малакангиз)ни ошириш устида иш олиб бораяпсизми:**
 йўқ
 институтда ўқияпман
 қисқа муддатли курсларга қатнапман
- 13) **Бошқариш услубингизга ходимларингизнинг муносабати қандай:**
 сизга ишбилармон раҳбар деб қарайди
 сиздан ва иш жойини йўқотишдан қўрққани учун ишлайди
 яхши даромад олаётганлари учун ишлайди
- 14) **Хўжалигингизда компьютердан фойдаланасизми, компьютерда ким ишлайди:**
 йўқ
 бор, фойдаланамиз
 фермернинг ўзи ишлайди
 бухгалтер ишлайди
 махсус ходим ишлайди
- 15) **Ўз бошқариш услубингиздан қониқасизми?**
 ҳа
 йўқ, сабабини кўрсатинг _____
- 16) **Фермер хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қандай таклифларингиз бор:**
 йўқ
 бор, қуйидагилардан иборат _____

**Ўзбекистон Республикаси бўйича жами фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини оптималлаштириш
яқунларига кўра уларнинг сони ва ер участкаларининг ўртача майдони**

| Худудлар: | Жами фермер хўжаликлари | | шу жумладан: | | | | | | | | | |
|-----------------------|-------------------------|---|--------------------------|---|-----------------------------|---|--------------------------|---|------------|---|------------------|---|
| | | | пахтачилик ва ғаллачилик | | сабзавотчилик ва полизчилик | | боғдорчилик ва узумчилик | | чорвачилик | | бошқа йўналишлар | |
| | сон, та | 1 та фермер хўжалиги ҳисобига ер участкасининг ўртача майдони, га | сон, та | 1 та фермер хўжалиги ҳисобига ер участкасининг ўртача майдони, га | сон, та | 1 та фермер хўжалиги ҳисобига ер участкасининг ўртача майдони, га | сон, та | 1 та фермер хўжалиги ҳисобига ер участкасининг ўртача майдони, га | сон, та | 1 та фермер хўжалиги ҳисобига ер участкасининг ўртача майдони, га | сон, та | 1 та фермер хўжалиги ҳисобига ер участкасининг ўртача майдони, га |
| Қорақалпоғистон Респ. | 4802 | 58,7 | 3732 | 69,3 | 223 | 9,8 | 250 | 8,5 | 388 | 43,0 | 209 | 9,7 |
| Андижон | 8538 | 25,6 | 3868 | 45,7 | 509 | 6,3 | 2443 | 8,0 | 460 | 20,6 | 1258 | 7,5 |
| Бухоро | 5273 | 39,0 | 3707 | 50,8 | 87 | 7,2 | 777 | 7,5 | 630 | 16,2 | 72 | 10,7 |
| Жиззах | 10073 | 43,2 | 7216 | 55,8 | 419 | 9,1 | 1490 | 5,7 | 714 | 24,3 | 234 | 8,7 |
| Қашқадарё | 12373 | 44,8 | 8656 | 56,9 | 726 | 8,9 | 1985 | 5,8 | 797 | 54,3 | 209 | 6,3 |
| Навоий | 2519 | 35,6 | 1393 | 57,3 | 17 | 6,9 | 684 | 8,1 | 297 | 12,3 | 128 | 5,5 |
| Наманган | 7397 | 26,9 | 3451 | 49,1 | 120 | 7,2 | 3049 | 5,8 | 227 | 25,7 | 550 | 8,9 |
| Самарқанд | 12641 | 32,1 | 8556 | 41,3 | 428 | 6,7 | 2522 | 9,3 | 563 | 36,9 | 572 | 9,6 |
| Сурхондарё | 6108 | 41,2 | 3297 | 65,3 | | | 1777 | 7,8 | 814 | 25,0 | 220 | 9,5 |
| Сирдарё | 5459 | 46,1 | 4255 | 56,1 | 17 | 6,8 | 544 | 7,9 | 300 | 21,5 | 343 | 6,4 |

⁵² Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

| | | | | | | | | | | | | |
|-------------|---------------|-------------|--------------|-------------|-------------|------------|--------------|------------|-------------|-------------|-------------|------------|
| Тошкент | 9418 | 29,6 | 4788 | 47,2 | 339 | 9,0 | 3437 | 5,5 | 587 | 48,8 | 267 | 9,0 |
| Фарғона | 10420 | 26,1 | 4180 | 52,7 | 672 | 8,3 | 4667 | 6,6 | 331 | 33,4 | 570 | 7,6 |
| Хоразм | 6049 | 33,8 | 3596 | 49,9 | 98 | 8,7 | 1105 | 5,5 | 464 | 24,0 | 786 | 9,0 |
| Жами | 101070 | 36,1 | 60695 | 52,7 | 3655 | 8,1 | 24730 | 6,8 | 6572 | 31,2 | 5418 | 8,3 |

2015 йилда Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича дастури.⁵³

| № | Худудлар | Кўшимча тармоқлар ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширган фермерлар сони | | | Жами талаб этилган маблағ, млн.сўм. | | | Банк кредити ҳисобидан, млн.сўм. | | | Ўз маблағи ҳисобидан, млн.сўм. | | | Яратиладиган янги иш ўринлари | | |
|----|------------------------------|--|--------|---------|-------------------------------------|---------|---------|----------------------------------|--------|---------|--------------------------------|---------|---------|-------------------------------|--------|---------|
| | | режа | амалда | фоиз, % | режа | амалда | фоиз, % | режа | амалда | фоиз, % | режа | амалда | фоиз, % | режа | амалда | фоиз, % |
| 1 | Қорақолпоғистон Республикаси | 1 764 | 1 705 | 97 | 32 318 | 26 665 | 83 | 16 039 | 10 130 | 63 | 16 279 | 16 535 | 102 | 8 572 | 8 343 | 97 |
| 2 | Андижон | 1 498 | 1 498 | 100 | 92 815 | 93 855 | 101 | 36 134 | 36 544 | 101 | 56 575 | 57 311 | 101 | 7 451 | 7 694 | 103 |
| 3 | Бухоро | 1 305 | 1 313 | 101 | 82 518 | 75 096 | 91 | 16 299 | 17 474 | 107 | 66 219 | 57 622 | 87 | 5 200 | 5 401 | 104 |
| 4 | Жиззах | 1 110 | 1 063 | 96 | 31 819 | 28 314 | 89 | 12 636 | 7 446 | 59 | 19 183 | 20 868 | 109 | 5 380 | 5 221 | 97 |
| 5 | Қашқадарё | 2 281 | 2 104 | 92 | 105 267 | 81 400 | 77 | 51 748 | 35 213 | 68 | 53 520 | 46 187 | 86 | 8 209 | 7 648 | 93 |
| 6 | Наманган | 1 172 | 1 144 | 98 | 70 383 | 49 571 | 70 | 15 779 | 8 895 | 56 | 54 570 | 40 676 | 75 | 7 844 | 8 204 | 105 |
| 7 | Навоий | 684 | 684 | 100 | 22 721 | 22 885 | 101 | 12 830 | 11 780 | 92 | 9 891 | 11 105 | 112 | 2 911 | 2 915 | 100 |
| 8 | Самарқанд | 2 924 | 2 924 | 100 | 139 039 | 139 927 | 101 | 16 831 | 16 562 | 98 | 122 208 | 123 365 | 101 | 10 741 | 10 740 | 100 |
| 9 | Сурхандарё | 1 448 | 1 425 | 98 | 54 543 | 44 550 | 82 | 25 427 | 14 379 | 57 | 29 116 | 30 171 | 104 | 7 777 | 7 637 | 98 |
| 10 | Сирдарё | 1 441 | 1 372 | 95 | 64 652 | 42 833 | 66 | 44 352 | 19 441 | 44 | 20 300 | 23 392 | 115 | 7 932 | 7 932 | 100 |
| 11 | Тошкент | 2 409 | 2 336 | 97 | 118 281 | 111 007 | 94 | 32 964 | 27 897 | 85 | 85 317 | 83 110 | 97 | 8 157 | 7 877 | 97 |
| 12 | Фарғона | 1 873 | 1 873 | 100 | 72 321 | 65 987 | 91 | 30 066 | 25 300 | 84 | 42 255 | 40 687 | 96 | 8 656 | 8 656 | 100 |

⁵³ Ўзбекистон фермерлари Кенгаши маълумотлари асосида тайёрланди.

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|-----------|--------|-----------|--------|-----|---------|---------|-----|---------|---------|----|---------|---------|-----|-----------|--------|-----|
| 13 | Хоразм | 1 322 | 1 390 | 105 | 50 224 | 56 643 | 113 | 13 434 | 13 114 | 98 | 36 791 | 43 529 | 118 | 5 496 | 5 668 | 103 |
| | Жами | 21 231 | 20 831 | 98 | 936 901 | 838 732 | 90 | 324 538 | 244 174 | 75 | 612 223 | 594 558 | 97 | 94 326 | 93 961 | 98 |